Bosh maqsadimiz – xalq manfaatlariga xizmat qilish

Postda
На посту

2020-yil
8-oktabr
payshanba

№ 36 (4474)

O'zbekiston Respublikasi
Ichki ishlar vazirligi nashri

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan / Web-site: www.postda.uz / E-mail: info@postda.uz

СИНОВЛАРДА ТОБЛАНГАН ХАЛҚ БИЛАН ЁНМА-ЁН



Жорий йил Сирдарё вилояти учун ғоят синовли йил бўлди. Дастлаб коронавирус пандемияси, унинг ортидан «Сардоба» сув омборида юз берган техноген офат вилоят аҳлини синовдан ўтказди. Лекин халқимиз бундан ўзини йўқотиб қўймади. Офат юз берган илк кунларда Президентимиз вилоятга ташриф буюриб, жабрдийдаларга далда бўлди. Саховатпеша халқимиз сирдарёликларга ёрдам қўлини узатди.

8–9

Бугунги сонда

4–5

УЛАР КЕЧА-КУНДУЗ ХИЗМАТДА

НЕПРОСТЫЕ БУДНИ СТРАЖЕЙ ПРАВОПОРЯДКА

11

16

ИСҲОҚХОН ИБРАТ – МИЛЛАТ ФАХРИ

КЕКСАЛАР ҲАФТАЛИГИ

ДОИМО ЭЪТИБОРДА

Юртимизда кексаларни эъзозлаш, уларга ҳурмат-эътибор кўрсатиш миллий қадриятларимиздан ҳисобланади. Хусусан, ўтган йили қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кекса авлод вакилларининг жамиятдаги ўрни ва ижтимоий фаоллигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мазкур саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми бўлди, десак, муболаға бўлмайди. Ушбу ҳужжатга биноан, ҳар йили октябрь ойининг биринчи ҳафтаси «Кексалар ҳафталиги» деб эълон қилинган эди.

Мамлакатимизда мазкур ҳафталик аллақачон ўз ишини бошлаган. Ҳафталик доирасидаги ана шундай тадбирлардан бири ИИВ Фахрийлар кенгашида ҳам бўлиб ўтди. Унда Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник Р. Хатамов ҳамда Фахрийлар кенгаши аъзолари иштирок этди.

Йиғилишни кириш сўзи билан очиб берган полковник Р. Хатамов ўз нутқида мамлакатимизда синовли кунлар кечаётган пайтда ҳам кексаларга кўрсатилаётган алоҳида ҳурмат-эътибор ҳақида гапириб, жумладан, шундай деди:

– Биз доимо сизнинг маслаҳатингиз ва ёрдамингизга суянамиз. Сизнинг ҳаёт йўлингиз ёшлар учун катта ибрат мактаби. Тўғри, пандемия туфайли тадбирлар, шахсий таркиб билан учрашувлар тўхтаб турибди. Яхши кунлар олдинда. Ҳали ёшларга ўз панду насиҳатларингизни аямайсиз, ҳамиша ёнимизда бўлиб, бизга камарбаста бўлишингизга тилакдошман.

Шундан сўнг Фахрийлар кенгаши аъзоларига ИИВ Бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан тайёрланган совғалар топширилди.

– Бундай ғамхўрлик ва меҳр-мурувват биз, кексаларга янада куч-ғайрат ва руҳий тетиклик бағишламоқда. Раҳбариятнинг кекса авлод вакилларига кўрсатаётган эътиборидан чексиз миннатдормиз. Умримиз, кучимиз, соғлиғимиз етганича шу эл, шу юрт тинчлиги ва фаровонлиги учун ўз ҳиссамизни қўшишга ҳаракат қиламиз, – деди ИИВ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги генерал-майор Эркин Норгитов.

Тадбир сўнгида нуронийларимиз ушбу эзгу ишлар бошида турган барча инсонларни дуо қилишди.

Адолат ФАЙЗИЕВА,
«Postda» мухбири.
Абу КЕНЖАЕВ
олган суратлар.

ҚАДРИ БАЛАНД ФАХРИЙЛАР

Халқимиз азал-азалдан ўзининг меҳр-оқибати, хайр-саховати, инсонийлиги, ҳамжиҳатлиги билан ном чиқарган. Шукрки, бу эзгу анъаналар асрлар ошса-да, йўқолмаяпти, аксинча сайқалланиб, янада қадр топмоқда.

«Кексалар ҳафталиги» доирасида Навоий вилояти ИИБ Кадрлар бошқармаси ходимлари юртимиз равнақи йўлида фидокорона хизмат қилган бир гуруҳ ички ишлар органлари фахрийлари ҳолидан хабар олди.

Узоқ йиллар самарали хизмат қилиб, айни пайтда кексалик гаштини сураётган фахрийлар орасида ногиронлиги мавжудлари, якка-ёлғизлари ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтожлари ҳам бор. Ҳафталик давомида улар йўқланиб, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилиб, яшаш ва маиший аҳволини яхшилашга кўмаклашилди, зарурларига тиббий ёрдам кўрсатилди.

– Ватанга садоқат билан хизмат қилиш, эл-юрт тинчлиги, осойишталигини таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш соҳа ходимлари учун улкан шарафдир, – дейди вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник Завқиддин Хўжанов. – Ҳафталик доирасида ҳозир кексалик гаштини сураётган соҳанинг чинакам фидойилари, жонкуярлари, том маънода, ҳақиқий ватанпарварлар билан учрашдик. Хизмат қийинчиликларига дош берган, метин иродали ҳамда бой касбий ва ҳаётий тажрибага эга бу табаррук инсонлар билан маромқли суҳбат барчани бирдек ҳаяжонга солди. Шу билан бирга, қалбларга ўзгача ифтихор ва сурур бахшида этди, ҳамкасбларимизнинг касбга бўлган меҳр-муҳаббатини янада оширди.

Амир Узақов вилоят ИИБ Ташкилий-инспекторлик бўлими катта инспектори лавозимида кўп йиллар самарали хизмат қилган. У бугунги кунда нафақада. Бир гуруҳ соҳа ходимлари ҳамда шогирдларнинг ташрифи боис отахоннинг қалби қувончдан масрур бўлди.

– Қадрдон заминимиз тафти, она халқимиз меҳри, шогирдларимиз оқибати билан тирикмиз, – дейди Амир Узақов тўлқинланиб. – Юртимиз учун беминнат хизмат қилишнинг ўзи энг катта бахт. Биз учун кўрсатилаётган юксак эҳтиромдан, машаққатли хизматларимиз бесамар кетмаганлигидан бағоят хурсандман. Киши кексайганида ҳурмат-эътиборда бўлиши, қадр топиши яна бир бахт.

Дилрабо АБДУҲАМИДОВА,
«Postda» мухбири.

Навоий вилояти.

СОҲАВИЙ ХИЗМАТЛАРДА

ЙЎЛОВЧИЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – УСТУВОР ВАЗИФА

Фарғона водийсини пойтахтимиз билан боғловчи темирйўл юртимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутиши барчага маълум. Шу боис сўнгги йилларда мазкур соҳа ривожига жиддий эътибор қаратилди. Натижада водийдан пойтахт ва бошқа вилоятларга сафар қилувчи фуқаролар учун йўловчи поездлар энг қулай ва хавфсиз транспорт воситасига айланди. Буни сафарга чиқаётган фуқароларнинг юзидаги қувонч, мамнунлик ва хотиржамлик ҳиссидан ҳам сезиш қийин эмас.

Фарғона вилояти ИИБ Транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармаси шахсий таркиби ҳам ана шу қайноқ ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этиб, поездлар ва йўловчилар хавфсизлигини ишончли таъминлаб келмоқда.

– Транспорт иншоотларида, поездларда хавфсизликни таъминлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида жорий йилнинг ўтган даврида 700 маротаба профилактик суҳбатлар, учрашувлар ўтказдик, – дейди бошқарма ҲҚБ бошлиғи, майор Аҳаджон Зарипов. – Учрашувлар жараёнида темирйўлларнинг иқтисодиётимиздаги аҳамияти, унга зарар етказиш жавобгарликка сабаб бўлиши, темирйўллар атрофида ёш болаларни қаровсиз қолдириш, уларга яқин жойда чорва молларини боқиш мумкин эмаслиги фуқароларимизга оддий ва содда тилда, аниқ мисоллар билан тушунтирилмоқда. Бундан ташқари, профилактика инспекторларимиз томонидан темирйўлга яқин жойлашган 4450 та хонадон ўрганилиб, хонадон эгаларидан юқоридаги тартиб-қоидаларга амал қилиш юзасидан тилхатлар олинди.

Соҳа ходимлари ўзларига бириктирилган хизмат ҳудудларида жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш мақсадида 785 маротаба рейдлар ҳам ўтказишди. Натижада 3144 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланиб, маъмурий баённомалар расмийлаштирилди. Аниқланган ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш учун тегишли ташкилот ва идораларга 56 та тақдимнома киритилди.

Бундан ташқари, соҳа ходимларининг ҳушёрлиги натижасида гиёҳвандлик воситалари сақлаш ва сотиш билан боғлиқ 14 та ҳолат аниқланиб, 9 килограмдан ортиқ оғу ашёвий далил тариқасида олинди.

Бошқарма бошлиғининг ташаббуси билан аҳоли гавжум бўлган жойларга 160 дона огоҳлантирувчи темирйўл белгилари ўрнатилди. Шунингдек, қуёш батареясидан қувват олиб ишловчи 6 дона огоҳлантирувчи маёқча, 32 та огоҳлантирувчи оддий маёқча ҳамда одам тасвирини акс эттирган 10 та макет ўрнатиб чиқилди.

Соҳа ходимлари томонидан темирйўлларда юз бериши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг олди олинаётгани ҳам эътироф этишга арзийди. Масалан, жорий йилнинг 20 август куни кечки соат 20:15ларда Қўқон ва Бувайда темирйўл бекатлари оралиғида бир фуқаро темирйўл изида ўтирганини аниқланган. Бу пайтда йўлдан поезд ўтиш вақти яқинлашаётган эди. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими катта инспектори, майор Р. Қодиров ўша фуқаронинг олдига ўз вақтида етиб борди ва уни темирйўлдан ташқарига олиб чиқди.

Кейинчалик ушбу фуқаронинг 1987 йилда Қўқон шаҳрида туғилган М.М. экани аниқланди. Йигит спиртли ичимлик таъсирида темирйўл устига бориб, у ерга ўтириб олганини ўзи идрок қилолмай қолган экан. Агар майор Р. Қодиров ўз вақтида қутқариб қолмаганида у бахтсиз ҳодиса қурбони бўлиши ҳам мумкин эди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, соҳа ходимлари зиммаларига юклатилган вазифани сидқидилдан адо этиб, давлатимиз ва жамиятимиз ривожига муносиб ҳисса қўшишмоқда. Фуқароларимизнинг ишончига сазовор бўлишяпти.

Музаффар САЛИМОВ,
майор.
Абдувосит СИДИҚОВ,
«Postda» мухбири.
Фарғона вилояти.

Суратларда: **вилоят ИИБ Транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармаси ходимларининг хизмат фаолиятидан лавҳалар.**

УЛАР КЕЧА-КУНДУЗ

Тинчлик-хотиржамлик ҳукм сурган мамлакат равнақ топади, илм-фан тараққий этади. Шу боис бу улуғ неъматни асраш йўлида ички ишлар органлари соҳавий хизматлари ходимлари кечаю кундуз фаолият олиб боради. Уларни куннинг исталган вақтида маҳалла-кўй, жамоат жойларида учратишингиз мумкин...

Тошкент шаҳар ИИББ ППХ ва ЖТСБ ППХ бригадаси саф майдонида **соат 19:30да** соҳавий хизматлар билан ҳамкорликда пойтахтимиз ҳудудида «Тун» хизматига жалб қилинган шахсий таркиб билан хизматолди йўриқномаси ўтказилди. Йўриқномада шаҳар ИИББ бошлиғининг ўринбосари, полковник М. Алиқориев шахсий таркибга жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли ва пойтахтимиз меҳмонларининг осойишталигига путур етказувчи ҳар қандай хатти-ҳаракатнинг олдини олиш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Бундан ташқари, тунги хизматга жалб этилган профилактика, йўл ҳаракати хавфсизлиги, патруль-пост хизмати ва Миллий гвардия ходимларига ҳуқуқбузарликлар содир этилганда, қандай йўл тутиш, кутилмаган ҳолатлар юз берганда, тезкор ва тўғри қарорлар қабул қилиш, фуқаролар билан хушмуомалада бўлиш, бир сўз билан айтганда, пойтахт аҳолиси тонгни осойишта ва хотиржамликда кутиб олиши учун ҳушёрликни бир зум ҳам йўқотмаслик бўйича зарур тавсиялар берилди. Шунингдек, кафе-бар, ресторанларнинг хизмат кўрсатишида белгиланган меъёрий талабларга риоя этишини таъминлаш борасида ҳам аниқ вазифалар белгиланди.

Шундан сўнг «Тун» тадбирига жалб этилган соҳавий хизматлар ходимлари йўналишларга бўлинган ҳолда пойтахтимиз осойишталигини таъминлаш учун хизматга отланишди. Шаҳар ИИББ ППХБ 4-батальони ходимлари Чилонзор тумани тинчлик-осойишталигига масъул этиб белгиланди.

– Асосий вазифамиз, нафақат аҳоли тинчлиги ва осойишталигини, фуқароларнинг ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш, балки содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларнинг ҳаёти ҳамда соғлиғига хавф туғдириши мумкин бўлган ҳар қандай салбий ҳолатларга қарши курашишга қаратилган, – дейди йўл-йўлакай ҳамроҳимиз, 4-батальон 1-отряд ходими сержант Фаррух Fозиев.

Соат 20:00да Чилонзор тумани ИИОФМБ 4-ИИБ ҲПБ бошлиғи, майор Акмал Султонов тунги хизматнинг иккинчи босқичига жалб этилган соҳавий хизматлар ходимларига ҳудуддаги вазият, шунингдек, раҳбариятнинг кўрсатмалари, хабарномалар ҳақида қисқача маълумот бериб ўтди. Маълумот ўрнида айтиш лозимки, 4-сонли ИИБ «1-Катта Чилонзор», «2-Катта Чилонзор», «3-Катта Чилонзор», «Катта Қозиробод» ҳамда «Чилонзор» маҳалла фуқаролар йиғинларининг осойишталигини таъминлаш мақсадида хизмат фаолиятини олиб боради.

Сержант Фаррух Fозиев, сафдор Лазиз Абдухалилов ҳамда Миллий гвардия сафдор ходимлари Тўхтасин Холмирзаев, Жасур Абдуназаров ўзларига бириктирилган хизмат автомашиналарида зиммаларига юклатилган вазифани адо этиш учун йўл олишди.

Кези келганда таъкидлаш ўринлики, тунги хизматга жалб этилган ходимлар навбатчилик пайтида, ўзларига бириктирилган ҳудуддаги объектлар, жумладан, таълим масканлари, кафе-барлар, маиший хизмат кўрсатиш ва савдо шохобчалари, интернет-клублар, бозорлар, спорт мажмуалари ва албатта аҳоли яшаш жойларига асосий эътиборни қаратишди. Фуқароларнинг карантин қоидаларига риоя этишлари, уларнинг хавфсизлиги ҳамда коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш мақсадида сауна ва спа салонларнинг иш фаолиятига чек қўйиш ҳам ходимларнинг доимий эътиборида бўлди. Маҳаллалар, кўчалар, жамоат жойларида юрган фуқароларга карантин қоидаларига риоя этиш, уйларига боришлари ҳақида овоз кучайтиргич орқали доимий огоҳлантиришлар бериб борилди.

– Одамларга ҳам ҳайрон қоламан, – дейди Катта Қозиробод маҳалласида яшовчи фуқаро Дилшод Саъдуллаев. – Кўча-кўйда тўп-тўп бўлиб, бемалол юрганлар бутун дунёни ташвиш ва хавотирга солиб турган пандемиянинг оқибатларини ҳис қилмаяптимикин? Коронавирус инфекциясидан ҳимояланиш бўйича шифокорлар тавсиясини, керак бўлса, ёш болалар ҳам ёдлаб олган. Ҳамшаҳарларимиз шуни тушунмаяпти. Баъзи юртдошларимиз ички ишлар органлари ходимларини кўрса, тиббий ниқоб тақиб олади. Муҳими, жарима тўламаса бўлди, олам гулистон. Аммо ўзимизни ўзимиз эҳтиёт қилсаккина, бу офатни енгишимиз мумкинлиги хаёлига ҳам келмайди.

Рақамларга мурожаат қилсак, Тошкент шаҳрида 2 октябрь соат 8:00дан 3 октябрь соат 8:00га қадар санитария ва эпидемия талабларини бузган 167 нафар шахс аниқланган ойдинлашади. Давлатимиз фуқароларнинг соғлиғи ҳақида жиддий ўйлаб, кенг кўламли чора-тадбирлар олиб бораётган бир пайтда юртдошларимиз ҳам масъулиятни яхшироқ ҳис қилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.



ХИЗМАТДА

Соат 22:00. 3-мавзе 53-уйда жойлашган «Жиззах Файз» кафеси карантин талабларига риоя этмаган ҳолда фаолият юритаётганлиги аниқланди. Кафе иш бошқарувчиси, 1989 йилда туғилган фуқаро Ж.А.га нисбатан тегишли ҳужжат расмийлаштирилиб, туман ИИОФМБ 1-сонли ИИБга олиб келинди.

Соат 22:20. ППХ бригадаси 4-батальони 1-отряд ходими, сафдор Лазиз Абдухалилов ва Миллий гвардия ходими, сафдор Жасур Абдуназаров одатдагидай Бунёдкор кўчасида жойлашган «Чилонзор» метро бекати олдида хизмат олиб бораётган эди. Шу ерда жойлашган автотураргоҳда турган «Нексия-2» русумли автоулов уларга шубҳали туюлди. Автомашина кўздан кечирилганда, унинг салонидан 2 дона «Тропикамид» психотроп дори воситаси борлиги аниқланди. Машина ҳайдовчиси 1986 йилда туғилган, Тошкент шаҳар Учтепа туманида яшовчи фуқаро Х.Д. эканлиги маълум бўлди. Мазкур ҳолат юзасидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, фуқаро Х.Д. Чилонзор тумани ИИОФМБ 4-сонли ИИБга олиб келинди.

Соат 22:30дан 23:00. Кўчаларда одам сийраклашиб, автомобиллар қатнови ҳам анча камайган. Тунги хизматга жалб этилган ходимлар маҳаллалар, кўчалар, муюлишлар, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, бир сўз билан айтганда, ҳудуддаги барча объектларни яна бир бор кўздан кечиришди.

Таъкидлаш керакки, навбатчилик қисмидан рация орқали «Тун» тадбири иштирокчиларининг огоҳлик ва ҳушёрлик билан хизмат олиб боришлари ҳақида кўрсатмалар бериб борилди. Хизматнинг қандай ўтаётгани, ҳудуддаги криминоген вазият ҳақида доимий равишда ахборот алмашилиб турилди.

Енгил табиатли аёлларни аниқлаб, уларнинг фаолиятига чек қўйиш ҳам ходимларнинг асосий вазифалари сирасига киради. Чунки бу вақтда хотин-қизларнинг ўрни оила аъзолари даврасида бўлиши керак. Шу куни 11 нафар саёқ юрган аёл Чилонзор тумани ИИОФМБга олиб келиб топширилди.

Соат 00:50. Чилонзор тумани М-мавзе «Корзинка» супермаркети автотураргоҳида Тошкент шаҳар ИИББ ППХ бригадаси ижтимоий-сиёсий, оммавий-маданий тадбирларни ўтказишда хавфсизликни таъминлаш батальони отряд командири ўринбосари, лейтенант Ш. Ҳакимов, 4-батальон 1-отряд сафдор ходимлари Б. Тўлаганов ва Ф. Худдиевда шубҳа уйғотган Шайхонтоҳур туманида яшовчи фуқаро Ж. А. ва унга тегишли бўлган «Ласетти» русумли автотранспорт воситаси холислар иштирокида текширилди. Текшириш жараёнида машинада минг сўмлик купюрага ўралган ўткир ҳидли яшилсимон қуруқ модда борлиги аниқланди. Холислар иштирокида мазкур ҳолатга оид ҳужжатлар расмийлаштирилиб, 2-сонли ИИБга олиб келинди.

Соат 01:00да 4-батальон 1-отряд ҳайдовчи-ходими сафдор Д. Исроилов, 8-сонли ИИБ ҲПБ профилактика инспектори, катта лейтенант Т. Мамадалиев ва Миллий гвардия ходими Н. Ўриновларда 3-мавзедаги Юрий Гагарин ҳайкали атрофида юрган фуқаронинг хатти-ҳаракатлари шубҳа уйғотди. Бу бежиз эмаслиги тез орада маълум бўлди. Холислар иштирокида кўздан кечирилганда, Чилонзор тумани 19-мавзеда яшовчи, 1991 йилда туғилган фуқаро У. Б.нинг чўнтагида полиэтилен пакетга ўралган оқ рангли кукунсимон модда борлиги аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, фуқаро У. Б. туман ИИОФМБга олиб келинди.

Шу куни пойтахтимиз бўйича ўз хатти-ҳаракатлари билан ички ишлар органлари ходимларида шубҳа уйғотган 1000 нафар шахс ички ишлар органларига олиб келинди. Улардан 177 нафарига маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этгани учун тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилди.

...Яна бир осуда тонгни қарши оляпмиз. Бу лаҳзаларда мамлакатимиз тинчлик-осойишталигига раҳна солиши, фуқаролар хотиржамлигини бузиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатларга қарши осойишталигимиз посбонлари кечаю кундуз муросасиз кураш олиб бораётганига гувоҳ бўлдик. Юракдан ҳис этдикки, юртимизда давом этаётган осойишталикда сизу бизнинг хотиржамлигимиз учун ўз оромидан кечган ходимларнинг олиб бораётган самарали хизматлари алоҳида ўрин тутади.

Шерзод АБДУСАМАДОВ,
«Postda» мухбири.
Абу КЕНЖАЕВ
олган суратлар.



СОҲА ФИДОЙИЛАРИ

БАРЧИНОЙГА МУНОСИБ ИЗДОШ

Ўралтош Эшимованинг бу касбни танлаши марҳум холаси, истеъфодаги полковник Ойимсора Эргашевага бўлган кучли ҳаваснинг меваси, дейиш мумкин. Ўша вақтда О. Эргашева Қашқадарё вилояти ИИБ котибият бўлими бошлиғи лавозимида хизмат қиларди...

Фидойи меҳнат доимо қадр топади. Сурхондарё вилояти Шеробод тумани ИИБ ҲПБ Хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектори лавозимида хизмат қилаётган майор Ўралтош Эшимованинг мамлакатимиз осойишталигини таъминлаш йўлидаги самарали хизматлари ҳам вилоят ИИБ ва вазирлик раҳбарияти томонидан рағбатлантириб келинмоқда. Қувонарлиси, майор Ў. Эшимованинг фаолияти нафақат ички ишлар органлари, балки бошқа ташкилотлар раҳбарияти томонидан ҳам муносиб эътироф этилмоқда. Хусусан, ўтган йили у жамиятда хотин-қизларнинг роли ва нуфузини ошириш, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қўшаётган ҳиссаси, ибратли ҳаёти, илғор иш тажрибасини оммалаштиришда фидойилик қилиб келаётгани ҳамда «Йил аёли – 2019» миллий танловидаги фаол иштироки учун Ўзбекистон Республикаси Хотин-кизлар қўмитаси томонидан муносиб рағбатлантирилди.

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида таҳсил олаётган талаба қиз ўқишини сиртқига айлантириб, вилоят ИИБ ахлоқ тузатиш ишлари бўлими котибаси лавозимида дастлабки фаолиятини бошлайди.

Ўқишни муваффақиятли битирган Ў. Эшимова 1996 йили Сурхондарё вилояти Шеробод тумани ИИБ ахлоқ тузатиш ишлари инспекцияси инспектори лавозимида фаолият юрита бошлади. Кейинчалик, туман ИИБ ҲПБ вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш гуруҳи инспектори, катта инспектори лавозимларида хизмат қилган кезларида бутун фаолиятини болаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ўсмирлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш сингари масалаларга бағишлади.

– Хотин-қизлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни иш билан таъминлаш, оилаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ажрим ёқасига келиб қолган оилаларни яраштириш, жазо муддатини ўтаб қайтган аёлларни соғлом ҳаётга қайтариш, уларнинг муаммоларига ечим топиш сингари кечиктириб бўлмайдиган ишлар доимо диққат марказимизда, – дейди майор Ўралтош Эшимова. – Аёллар соғлиғи, хотиржамлиги, аввало, миллатнинг ютуғидир. Зеро, соғлом ва уйида тинчи бўлган онагина фарзандларига яхши тарбия бера олади. Оилада уруш-жанжал кўп бўлса, бу бола руҳиятига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг ўтган даврида хотин-қизларнинг тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўришининг олдини олиш мақсадида 27 нафар аёлга ҳимоя ордери берилди. Туманда яшовчи хотин-қизлардан бири М.Ж. оғир жиноят содир этгани боис белгиланган жазо муддатини ўтаб, шу йил озодликка чиқди. Қилмишидан тўғри хулоса чиқариб, чин дилдан пушаймон бўлди. Унинг туғилганлик гувоҳномаси, фуқаролик паспорти йўқолганлиги сабабли қайта тиклаб берилди. Бугунги кунда туман ҳокимияти билан келишган ҳолда, уни уй билан таъминлаш масаласи кўриб чиқилмоқда. Яна бир эътиборли жиҳат, ажрим ёқасига келиб қолган 43 та оила профилактика инспекторлари, имом-хатиблар ва жамоатчилик вакиллари ҳамкорлигида яраштирилди. Шунингдек, йилнинг ўтган даврида пробация ҳисобида турган 8 нафар хотин-қиз ишга жойлаштирилди. Фуқаролик паспортларини олишга ҳам яқиндан кўмак берилди. Бу каби мисоллардан жойларда ички ишлар органлари ходимлари халқ билан ҳамнафас ҳолда яшаётгани, уларнинг қувончу ташвишларини бирдек ҳис этаётгани, ҳаётимизнинг барча соҳаларида ислоҳотларни изчил давом эттириш борасидаги ишларимизни қўллаб-қувватлаётгани, ҳар бир фуқаро ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ишларимизга ҳамкорлик кўрсатаётгани, ҳудудларда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашга ўз ҳиссасини қўш

НАГРАЖДЕННЫЕ РОДИНОЙ

СЛУЖИТЬ ОТЧИЗНЕ И НАРОДУ

Инспектор отряда дорожно-патрульной службы Управления внутренних дел Сурхандарьинской области, младший сержант Фахриддин Эшмуратов. Награжден медалью «Шухрат».

– Прежде всего хочу поблагодарить нашего уважаемого Президента, руководство МВД республики и УВД Сурхандарьинской области за высокую оценку моего труда. Искренне признателен личному составу подразделения, в котором имею честь служить многие годы. Считаю, что медаль «Шухрат» – это и признание труда моих коллег, с которыми плечом к плечу несем службу во имя благополучия страны, спокойствия граждан, – говорит Фахриддин Эшмуратов. – Родился я в Джаркурганском районе Сурхандарьинской области. Профессия стража правопорядка привлекала меня с юности, поэтому после окончания юридического колледжа без сомнений пришел служить в органы внутренних дел. Профессиональную деятельность начал в подразделении ППС. Спустя шесть лет был переведен в ОВД города Термеза на должность дежурного-водителя, а в 2014 году встал в строй подразделения ДПС.

Моим наставником являлся сержант Бахтиёр Аликулов, который щедро делился богатым опытом, способствовал профессиональному становлению. Я благодарен наставнику за все, что он для меня сделал.

В нынешние времена реформ и нововведений дорожно-патрульной службе уделяется особое внимание. Служба оснащена современной техникой и оборудованием. Очень помогают в работе новейшие средства связи, компьютеризированная информационная база, мобильные видеокамеры. Так что работаем на высоком уровне, стремимся эффективно выполнять задачи по регулированию, управлению и контролю действий участников дорожного движения.

Для меня главное в профессии – самоотверженно служить Отчизне и народу. В этом я вижу свое предназначение!

ТРЕТИЙ СЕКТОР

РАБОТА ИДЕТ В ПЛОДОТВОРНОМ КЛЮЧЕ

В нашей стране осуществляются последовательные меры по комплексному социально-экономическому развитию регионов, достижению значимых положительных изменений в уровне жизни граждан. Внедренная в этих целях система организации работы с разделением территорий на секторы способствует решению насущных вопросов, волнующих население.

Как рассказывает секретарь третьего сектора по социально-экономическому развитию столицы, закрепленного за ГУВД г. Ташкента, майор Даврон Ахмедов, в числе приоритетных задач сегодня – проведение целенаправленных мероприятий по выявлению и решению проблем в сфере жилищно-коммунального, энерго-, водо- и теплоснабжения, благоустройства территорий махаллей, реализация действенных мер по обеспечению адресной помощи малообеспеченным семьям, созданию новых рабочих мест. При этом как всегда в центре внимания вопросы организации действенной работы по профилактике и раннему предупреждению правонарушений, особенно среди несовершеннолетних и молодежи.

Следует отметить, что по состоянию на 2-е октября 2020 года в списки «Железной тетради» (список граждан, оставшихся во время карантина без работы и нуждающихся в социальной защите) внесены более 45 тысяч членов 12 898 малообеспеченных семей. 7 622 трудоспособных безработных были трудоустроены. Определены конкретные меры по дальнейшему обеспечению занятости граждан.

Затрагивая вопрос о деятельности третьего сектора столицы, направленной на сокращение бедности, следует подчеркнуть тот факт, что 5 531 человек из 4 632 малообеспеченных семей зарегистрированы на основании решений районных Кенгашей народных депутатов с последующим трудоустройством. В целях социальной поддержки этих семей в информационной системе Sakhovat.argos.uz сформированы списки, с 10 июня текущего года в общей сложности 12 966 раз им оказывалась помощь.

Согласно Указу Президента Республики Узбекистан № УП-6038 от 30 июля 2020 г. в результате принятых мер по выявлению семей, нуждающихся в социальной помощи в период пандемии коронавируса, оказана социальная поддержка 4 110 вновь выявленным семьям. Также в соответствии с Постановлением Президента Республики Узбекистан от 26 августа 2020 г. № ПП-4815 «О дополнительных мерах по социальной поддержке населения» 3 205 семей столицы занесены в «Железную тетрадь», 6 960 детей получили материальную помощь на сумму свыше 3 миллиардов сумов.

Работа сектора по социально-экономическому развитию столицы активно продолжается.

Подготовил
Георгий ПЕТРОСЯН,
корреспондент «На посту».

ҚЎШСАҲИФАДА

Шавкат МАВЛОНОВ,
вилоят ИИБ бошлиғи, полковник.

СИНОВЛАРДА ТОБЛАНГАН ХАЛҚ БИЛАН ЁНМА-ЁН

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мана шундай синовли кунларда бошқа соҳалар, хусусан, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари сингари, вилоят ички ишлар органлари ходимлари ҳам туну кун фидокорона хизмат олиб бориб, фуқароларимиз ёнида туриб, энг оғир кунларда уларни қўллаб-қувватлади.

Жорий йилнинг 8 ой давомида вилоят миқёсида қасддан оғир тан жароҳати етказиш, чегара қоидасини бузиш, ўлим билан боғлиқ бўлмаган йўл-транспорт ҳодисалари, транспорт воситасини олиб қочиш, шунингдек, жамоат жойларида ҳамда ишсиз фуқаролар томонидан содир этилган жиноятлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан камайишига эришилди. 224 та маҳалланинг 113 тасида жиноят содир этилишига йўл қўйилмади. Бевосита ходимларимиз саъй-ҳаракати билан аниқланган жиноятлар 429 тани ташкил этди. Қидирувда бўлган 47 нафар шахс қўлга олиниб, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 9,8 фоизга яхшиланди. Гиёҳвандлик ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланиши йўналишида 115 та жиноят аниқланиб, 8 килограмм 421 грамм гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар ашёвий далил тариқасида олинди.

Вилоятда гендер тенглигини таъминлаш, хотин-қизларни турли тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бошқарма тизимида хотин-қизлар масалалари бўйича фаолият юритаётган аёл ходималар томонидан 8 ой давомида 2215 нафар хотин-қизнинг муаммолари ўрганилиб, уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилишига эришилди. 163 нафар ажрим ёқасига келиб қолганлари яраштирилди. Зўравонлик ва тазйиққа учраган аёлларга 234 та ҳимоя ордери берилди.

Ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишда мутасадди ташкилот ва идоралар билан яқин ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. Хусусан, ёшлар онгига қонун бузишнинг оқибатларини чуқурроқ сингдириш мақсадида вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар юзасидан сайёр суд мажлислари доимий тарзда ўтказиб келинмоқда. Бу, шубҳасиз, ўзининг ижобий натижасини беряпти. Жорий йилнинг 8 ойи мобайнида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан вилоят ҳудудида вояга етмаганлар томонидан жиноятлар содир этилишининг ўсишига йўл қўйилмагани бунинг тасдиғидир.

Йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасида сўз юритадиган бўлсак, ЙҲХБ ходимлари томонидан йўл ҳаракати қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш ва қоидабузарларга қонуний чора кўриш бўйича **81619 та** маъмурий баённома расмийлаштирилди. Шундан **828 таси** транспорт воситасини маст ҳолда бошқарганлик, **34921 таси** белгиланган тезликни ошириш, **897 таси** светофорнинг тақиқловчи чироғида ҳаракатланиш каби қоидабузарликлардир. Соҳавий хизматга инновацион технологияларни жорий этиш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни электрон тарзда расмийлаштириш мақсадида ЙПХ инспекторларига синов тариқасида **183 дона** планшет тарқатилди.

Вилоятнинг Сирдарё ва Оқолтин туманлари ҳамда Ширин шаҳри 3-сектор ҳудудига киради. Мазкур ҳудудларда аҳолини иш билан таъминлаш, оғир турмуш шароитини кечираётган эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қисқартириш борасида олиб борилаётган ишлар жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ўз самарасини бермоқда. Чунончи, сектор ҳудудидаги хонадонларнинг маълумотлар базаси шакллантирилди, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш учун «темир дафтар» юритилиб, унга **3941 та** ёрдамга муҳтож оила киритилди. Ушбу оилалар доимий даромад манбаига эга бўлиши учун уларга тикув машиналари ҳамда парранда ва чорва моллари олиб берилмоқда. Жумладан, Сирдарё туманидаги Элобод маҳалласида истиқомат қилувчи II гуруҳ ногирони О.Баҳрамова тикув машинаси билан таъминланди. Оқолтин туманидаги 10-сонли умумтаълим мактабининг тўла таъмирдан чиқарилишида ҳам амалий ёрдам кўрсатилди.

Ҳозирда техноген офат оқибатида жабр кўрган Сардоба, Мирзаобод ва Оқолтин туманларида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, кўп қаватли уйлар қурилди, аҳоли уйлари, яроқсиз ҳолга келиб қолган кўча ва йўллар тўла таъмирдан чиқарилди. Бундан ташқари, таълим, тиббиёт муассасалари каби кўплаб ижтимоий соҳа объектлари қуриб, фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, вилоят ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси, ЙҲХБ ходимлари томонидан талафот оқибатида яроқсиз ҳолга келган, йўқолган фуқаролик паспорти, ҳайдовчилик гувоҳномаси ва бошқа ҳужжатлари тиклаш бўйича тегишли ишлар амалга оширилди. Йўқолганлари излаб топилди, яроқсиз ҳолга келганлари давлат маблағлари эвазига янгисига алмаштирилди.

Ҳа, бугун вилоятнинг учта тумани аҳолиси яна олдинги ҳаёт тарзига қайтмоқда. Ходимларимиз эса синовларда тобланган сирдарёликлар билан ёнма-ён туриб, фидойиларча хизмат олиб боришмоқда.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

Вилоят ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси томонидан «Кексалар ҳафталиги» доирасида фахрийларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларнинг бой тажрибасини ўрганиш юзасидан тадбирлар ташкиллаштирилмоқда.

ФАХРИЙЛАР ТАЖРИБАСИ ФАОЛИЯТДА ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

Бошқарманинг бир гуруҳ масъул ходимлари соҳавий хизматда узоқ йиллар самарали хизмат қилиб, бугунги кунда ўзларининг бой иш тажрибасини ёшларга ўргатиб келаётган фахрийлар ҳолидан хабар олишди. Жумладан, истеъфодаги подполковниклар Акбар Худойқулов, Абдурашид Турғунов, Олим Зулпонов, Одил Ўролов, Пўлат Эшбеков, Ҳикматулла Эрматовларнинг уйларига борилди ва уларга бошқарманинг эсдалик совғалари тақдим этилди. Шогирдлар қадрли устозлари даврасида суҳбат қуриб, ўзларининг самимий дил изҳорларини билдиришди.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, фахрийларимизнинг тажрибаси фаолиятимиз самарадорлигини оширишда ҳам кўл келмоқда. Ходимларимиз устозларига муносиб издош сифатида фаолият юритиб, уларнинг ишларини изчил давом эттиришмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган 8 ойи давомида 12421 нафар фуқарога биометрик паспорт расмийлаштирилди. Шундан 568 нафар ногиронлиги бор ва кекса ёшдаги фуқароларга мобил қурилма ёрдамида уларнинг яшаш манзилларига борилган ҳолда биометрик паспортлар расмийлаштириб берилди.

Бошқарма ва унинг қуйи тузилмаларида биометрик паспорт расмийлаштириш учун маълумот йиғиш пунктлари, қабулга келган фуқаролар учун кутиш заллари ташкил этилган. Шунингдек, фуқароларга янада қулайликлар яратиш мақсадида электрон навбат тизими жорий этилиши муносабати билан ИИВ М ва ФРББ томонидан жойлардаги барча бўлинмаларимизда фойдаланиш учун 18 та «G40-H310D4 AVTECH» русумли моноблок компьютер жамланмаси билан таъминланди.

Бундан кейин ҳам Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, тегишли меъёрий ҳужжатлари, ИИВ кўрсатмаси ва талаблари асосида халқимизга тезкор ҳамда сифатли хизмат кўрсатиш йўналишида фаолиятимизни давом эттирамиз.

Руслан ЗАБИРОВ,
вилоят ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси бошлиғи, подполковник.

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИДА МУҲИМ ОМИЛ

Халқимизда шундай мақол бор: «Касалликни даволагандан кўра, унинг олдини олган афзал». Бу ҳаёт синовидан ўтган ҳақиқат. Чунончи, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда уларнинг сабаб ва омилларини барвақт аниқлаш ҳамда бартараф этиш энг мақбул ва самарали йўлдир.

Гулистон шаҳар Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси томонидан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳар бир маҳаллани жиноятдан холи ҳудудга айлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, бошқарма ҲПБ профилактика инспекторлари томонидан жорий йилда «Хавфсиз маҳалла» шиори остида маҳаллаларда жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан кенг қамровли профилактик тарғибот тадбирлари олиб борилди. Мавжуд 19 та маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи аҳоли яшаш хонадонларига кирилиб, фуқароларга жиноят учун жазо муқаррарлиги юзасидан тушунтириш ишлари ўтказилди.

Жойларда бу борада амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар кутилган натижани бераётганлигини мамнуният билан қайд этиш жоиз. Масалан, «Ибратли» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жорий йилнинг ўтган даврига қадар ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, тунги рейдларни ташкил этиш, муқаддам судланган, жиноятга мойил шахслар билан олиб борилган яккама-якка профилактик суҳбатлар натижасида бирорта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.

– Бу билан хотиржамликка берилишга асло ҳаққимиз йўқ, – дейди шаҳар ИИОФМБ 3-сонли ИИБ ҲПГ 19-сонли таянч пункти профилактика инспектори, катта лейтенант Нурали Хўжабеков. – Шу боис маҳалла фуқаролар йиғини, кенг жамоатчилик билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш йўлидаги изланишларимизни давом эттирамиз. Чунки ҳуқуқбузарликлар профилактикаси мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда, тизимли равишда олиб борилгандагина, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олди самарали олиниши мумкин.

Айтганча, хизмат уйи билан таъминланишимдан аввал узоқдан қатнардим. Бу, албатта, анча ноқулайлик туғдириб, фаолият натижадорлигига салбий таъсир кўрсатарди. Хизмат уйининг берилиши эса ҳуқуқбузарликлар профилактикасида, аҳолининг барча қатлами билан доимий мулоқот олиб боришимда жуда кўл келмоқда. Қолаверса, турмуш ўртоғим ва фарзандларим ҳам ёнимда, бу ҳам менга кўмак беради.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, профилактика инспекторларининг жонбозлиги, ишга масъулият билан ёндашуви туфайли жиноятлар ўз вақтида фош этилмоқда. Жумладан, Гулистон шаҳар 2-сонли ИИБ ҲПГ ходимлари хизмат кўрсатувчи Бўстон маҳалласида жорий йилнинг 9 ойида 8 та жиноят содир этилган бўлса, шундан 5 таси профилактика инспектори ва ИИБ тезкор ходимлари билан ҳамкорликда очилди.

Одилжон ЖЎРАЕВ,
Гулистон шаҳар ИИОФМБ ҲПБ бошлиғи, капитан.

Қўшсаҳифа материалларини «Postda» мухбири Сарвар СОБИРОВ ва фотомухбир Икром ҲАСАНОВ тайёрлади.

УРОК ДУХОВНОСТИ И ПРОСВЕЩЕНИЯ

БОРЬБА С ПАНДЕМИЕЙ – ОБРАЗЕЦ МУЖЕСТВА

Мир столкнулся с общим врагом – пандемией коронавируса COVID-19. Это самый серьезный вызов человечеству в современной истории.

Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев, выступая на 75-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН подчеркнул: «За последние сто лет не было планетарного бедствия такого масштаба. Оно продемонстрировало уязвимость всего человечества перед подобными глобальными угрозами».

С первых дней выявления в Узбекистане COVID-19 усилия и ресурсы были направлены на противодействие распространению этого опасного заболевания и, самое главное, на сохранение жизни людей.

Президентом Шавкатом Мирзиёевым своевременно (29 января т. г.) было издано Распоряжение об образовании Специальной республиканской комиссии по подготовке Программы мер по предупреждению завоза и распространения нового типа коронавируса в Республике Узбекистан.

Руководством страны оперативно были приняты меры по кардинальному усилению системы социальной защиты и здравоохранения, оказанию адресной помощи населению, отраслям экономики и бизнесу. Для этого был создан Антикризисный фонд при Министерстве финансов, субъектам предпринимательства предоставлены ряд налоговых льгот. Организована адресная социальная помощь наиболее уязвимым слоям населения. В частности, количество тех, кто получает социальные пособия, выросло почти в 1,5 раза. К концу года их число увеличится с 774 тысяч до 1,2 миллиона. На поддержку этой категории граждан и восстановление экономики из государственного бюджета выделено 12,5 триллиона сумов.

«Любые расходы, финансируемые из национального и местного бюджетов, должны направляться приоритетно на борьбу с пандемией. Более важных расходов не может быть», – заявил глава государства.

При этом, как подчеркнул Президент, «в сегодняшней сложной ситуации для нас жизненной необходимостью является эффективное решение сразу двух важных, чрезвычайно актуальных задач. Мы одновременно занимаемся решением проблем защиты здоровья и жизни населения и восстановлением экономики, созданием людям условий для труда и заработка». В результате предпринятых мер удалось сохранить источники дохода и уровень жизни основной части населения. Так, если вследствие введения карантинных ограничений приостановили свою деятельность 16,7 тысячи из 72,5 тысячи промышленных предприятий, то благодаря проделанной системной работе производство возобновлено на 16,6 тысячи предприятий.

Среди нашего народа высоко ценятся такие нравственные качества, как проявление к окружающим заботы и душевной щедрости. В условиях пандемии наш народ стал поистине мощной силой, что еще раз ярко продемонстрировало общенациональное движение «Доброта и поддержка». Эта благородная инициатива объединила деловых людей и предпринимателей, молодежь, всех соотечественников.

В стране проделана беспрецедентная работа по реализации эффективных противоэпидемических мер. Особое внимание уделяется таким важным задачам, как профилактика распространения коронавирусной инфекции, эффективное лечение пациентов. Звено первичной медико-санитарной помощи – семейные поликлиники и сельские врачебные пункты переведены на круглосуточный режим работы. Приобретено большое количество дополнительного медицинского оборудования. Сданы в эксплуатацию новые больницы. К примеру, распределительный центр для оказания медицинской помощи пациентам с подозрением на коронавирусную инфекцию или инфицированным ею, функционирующий на базе спортивного комплекса «Универсал» Федерации гимнастики Узбекистана, организован МВД Республики Узбекистан. Центр, рассчитанный на 750 койко-мест, оснащен необходимым оборудованием и обеспечен лекарственными средствами. Здесь, проявляя высокий профессионализм и лучшие человеческие качества, работают самоотверженные врачи, медсестры, санитары Центрального госпиталя МВД, а также иных медицинских учреждений. До того, как Центр начал функционировать, была проделана гигантская работа по переоборудованию комплекса: подведены коммуникации, созданы условия для эффективной деятельности временного медучреждения. Здесь все направлено на то, чтобы в кратчайшие сроки оздоровить людей, вернуть их к привычному ритму жизни.

Медицинские работники – герои, и это сейчас очевидно как никогда. В нынешней ситуации, взявшие на себя ответственность за здоровье людей, они остаются верными священной клятве и стойко, днем и ночью мужественно трудятся.

Среди тех, кто непосредственно задействован к работе по противодействию пандемии, – сотрудники органов внутренних дел, Национальной гвардии, министерств обороны, по чрезвычайным ситуациям. Проявляя образец мужества в деле охраны здоровья населения, сдерживания распространения инфекции, они несут службу, обеспечивая неукоснительное соблюдение населением противоэпидемиологических правил, работают в карантинных зонах. В дни испытаний они готовы протянуть руку помощи нуждающимся в поддержке, принимая участие в деятельности по содействию семьям, потерявшим источники доходов, временно безработным, лицам с инвалидностью, престарелым.

Руководством страны достойно оценивается труд соотечественников, направленный на противодействие распространению коронавирусной инфекции. За проявленные профессионализм при выполнении задач по обеспечению санитарно-эпидемиологического благополучия, верность профессиональному долгу указами Президента Узбекистана большая группа сограждан, внесших существенный вклад в борьбу с пандемией, явивших собой пример в осуществлении благотворительности, активно участвующих в укреплении в обществе атмосферы мира, единства и согласия награждена орденами и медалями, а также учрежденным 26 мая 2020 года нагрудным знаком «Мехр-саховат». В числе тех, кто удостоен высоких наград – самоотверженные стражи правопорядка.

Сегодня нет более важной задачи, чем охрана здоровья граждан, ведь ситуация с пандемией коронавируса все еще остается напряженной. Каждый должен, проявляя дальновидность, выдержку, чувство солидарности, взять за повседневное правило идею «Борьба с пандемией – дело совести каждого из нас». Как подчеркнул глава нашего государства, «если все мы будем работать сплоченно, с чувством ответственности, мы обязательно преодолеем эти сложные испытания».

Хафиз ГАППАРОВ,
доцент Специализированного филиала ТГЮУ,
кандидат педагогических наук.

КАК ЖИВЕШЬ, РОВД?

НЕПРОСТЫЕ БУДНИ СТРАЖЕЙ ПРАВОПОРЯДКА

В Иштыханском районе Самаркандской области задержали серийного вора – он специализировался на похищении крупного рогатого скота. Девятая кража обернулась для него крахом. Для осуществления корыстного замысла вор привлек несовершеннолетнего соседа.

– Ночью дежурные пункта общественного контроля остановили «Дамас», направлявшийся в соседний район. Возле водителя сидел парнишка, на месте отсутствовавших задних сидений находился бычок. На вопрос: куда они направляются поздно ночью, водитель взволнованно ответил, что купили бычка и едут домой, в Джамбай, – рассказывает начальник СО Иштыханского района Жавлон Назаров. – Волнение водителя вызвало подозрение у дежурных. Они решили прояснить ситуацию и привезли мужчину в отдел. Во время допроса он признался, что это – девятая кража домашнего скота, и рассказал обо всех предыдущих случаях.

За задержание серийного вора и раскрытие преступлений, значившихся в разных районах области нераскрытыми, начальник УВД Самаркандской области полковник Шавкат Рахмонов выразил благодарность стражам правопорядка.

Стоит сказать, что в эти дни руководство РОВД реализует мероприятия для поддержки уязвимых слоев населения. Так, в рамках общенародного движения «Саховат ва кўмак» 792 граждан были занесены в списки лиц, нуждающихся в помощи.

В рамках первого этапа продуктовые наборы на сумму 395 млн сумов получили 690 малообеспеченных семей, 813 безработных были трудоустроены на предприятиях района.

– Работа по оказанию помощи лицам, нуждающимся в период пандемии в социальной поддержке, многодетным семьям, инвалидам и одиноким, тем, кто оказался без источников дохода, временно нетрудоустроенным продолжается и сегодня, – рассказывает начальник Иштыханского РОВД подполковник Сурач Шарипов. – К примеру, в махалле Шайхислом, на базе производственного предприятия Shayxislom Agro Frukt организован кооператив. 62 семьям выделены субсидии для постройки теплиц. Общая сумма выделенных средств превысила 138 млн сумов.

Активно ведется работа по профилактике правонарушений, повсеместно устанавливаются камеры видеонаблюдения, в 62 махаллях района работают пункты общественного контроля, ведется круглосуточное дежурство.

В обеспечении порядка особая роль отводится инспекторам профилактики правонарушений. Они принимают активное участие в трудоустройстве граждан, оставшихся без работы в период пандемии, социальной поддержке нуждающихся семей, повышении уровня правовой культуры населения, правильной организации свободного времени несовершеннолетних.

– Главная задача сотрудников органов внутренних дел – решение проблем, существующих у людей, проявление заботы о них, – говорит подполковник С. Шарипов. – Сегодня стражам порядка оказывается большое доверие, укрепляется связь с органами самоуправления граждан. Это не может не радовать.

Замира БАЛТАЕВА,
корреспондент «На посту».
Фото автора.
Самаркандская область.

ЭКСПЕРТНО-КРИМИНАЛИСТИЧЕСКАЯ СЛУЖБА

ВСЕ РАВНО ЧТО ИСКАТЬ ИГЛУ В СТОГЕ СЕНА

Представители экспертно-криминалистической службы всегда в поиске. Часто именно они указывают следователю на чьи-то отпечатки, следы или какие-то материалы, которые в итоге помогают вычислить преступника. Их работу образно можно сравнить с поиском иголки в стоге сена.

Без всякого преувеличения можно утверждать, что в ЭКО УВД Наманганской области служат настоящие профессионалы. Свидетельством тому – результаты их работы.

Житель МСГ «Бешкепа» Наманганского района обратился в ОВД с заявлением о том, что неизвестным угнана его машина, припаркованная около дома: кому-то приглянулся его старенький «Москвич». Но как же злоумышленнику удалось угнать автомобиль без шума и свидетелей? К тому же «Москвич» был довольно «капризный», завести его – задача не шуточная.

Наряду с представителями других служб, привлеченными к раскрытию преступления, за дело взялись и эксперты-криминалисты. Сотрудники ЭКО тщательно изучили место происшествия, в ходе которого обнаружили отпечатки пальцев рук. Данные отпечатки были проверены при помощи АДИС «Сонда». Система выявила «хозяина» пальцев. Им оказался некий Шавкат Закиров (имена и фамилии изменены). Благодаря тому, что образцы трех отпечатков пальцев совпадали с теми, что имелись в базе, можно было предположить, что данный гражданин причастен к делу.

В канале «Шимолий Фаргона» был обнаружен труп мужчины 60–70 лет, азиатской внешности. Экспертами ЭКО УВД области с трупа были взяты образцы, которые прошли сравнение с базой данных. Как выяснилось, это был житель г. Намангана Гани Каршиев, 1947 года рождения.

Еще один пример. На территории Папского района, также в канале «Шимолий Фаргона» был обнаружен труп женщины, на вид азиатской внешности. Ее образцы отпечатков пальцев были направлены для исследования в ЭКЦ МВД республики. Исследования показали, что это труп жительницы Байсунского района Сурхандарьинской области Умиды Валиевой, 2000 года рождения.

Благодаря возможностям, предоставленным специалистам ЭКО УВД области, удается проводить качественные экспертизы, что повышает эффективность деятельности по раскрытию и расследованию уголовных дел.

Азиза ЖАНИЕВА,
корреспондент «На посту».
Наманганская область.

ШАҲАР ИИБДА

ХОДИМНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ДАРАЖАСИ – ХИЗМАТНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТИ

Ички ишлар органларида хизмат фаолиятининг самарали йўлга қўйилишида кадрлар билан боғлиқ масала муҳим ўрин тутади. Зеро, ходимларнинг хизмат, жанговар ва жисмоний тайёргарлигини, маънавий-ахлоқий даражасини ошириш тизимли равишда олиб борилсагина, кўзланган мақсадга эришилади.

– Ходимларнинг фуқаролар билан муомала маданиятини юксалтириш зарур аҳамият касб этади, – дейди Оҳангарон шаҳар ИИБ бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, майор Улуғбек Алматов. – Хусусан, шахсий таркибга фуқаролар билан мулоқотда хушмуомала, камтар ва босиқ бўлиш, ички ишлар органлари обрўсига салбий таъсир кўрсатувчи низоли вазиятларни юзага келтирмаслик каби жиҳатларни мунтазам равишда тушунтириб борамиз.

Соҳада устоз-шогирд анъанаси ҳам муҳим ўрин тутади. Янги хизматга келган ёш ходимларга узоқ йиллар фаолият юритиб, ўзининг билими, салоҳияти ва маънавияти билан бошқаларга ўрнак бўлган ходимлар бириктирилган. Жумладан, 2020 йилнинг апрель ойидан шаҳар ИИБ ҲПБга қабул қилинган профилактика инспектори, лейтенант Фурқат Мамажоновга профилактика катта инспектори, капитан Улуғбек Исматов мураббийлик қилиб келмоқда. Шогирд устози ва атрофидаги бошқа тажрибали ходимлардан ўрганганларини амалиётга татбиқ этиб, соҳа сирларини ўрганиб бормоқда.

– Жиноятларни қонуний, тўла ҳамда холисона тергов қилиш, шу жумладан, жиноятларнинг содир этилиши сабаблари ва бунга имкон яратадиган шарт-шароитларни аниқлаш, шунингдек, уларни бартараф этиш чораларини кўриш – биринчи галдаги вазифа, – дейди шаҳар ИИБ бошлиғи ўринбосари – ИИБ ҳузуридаги Тергов бўлинмаси бошлиғи, подполковник Низомиддин Нормаҳмадов ҳам биз билан суҳбатда. – Бу борадаги ишларимизни изчил давом эттириб, келгусида самарали хизмат олиб борамиз, албатта.

– Жамиятда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш энг муҳим масаладир, – дейди шаҳар ИИБ ҲПБ хотин-қизлар масалалари бўйича инспектори, майор Нилуфар Каримхўжаева.

– Жорий йилнинг ўтган **8 ойи** мобайнида ажрим ёқасига келиб қолган **31 та** оиладан **8 та**сини яраштиришда, ишсиз хотин-қизларнинг **28 нафари**ни иш билан таъминлашда, **14 та** оилага «Саховат ва кўмак» жамғармаси орқали пул маблағлари ажратилишида, **23 та** оилага озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилишида бевосита иштирок этиб, амалий ёрдам кўрсатилди.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, ўрганишларимиз давомида оиладаги муаммолар асосан учинчи шахснинг аралашуви оқибатида ҳам келиб чиқмоқда. Ана шундай вазиятга тушиб қолган, турмуш ўртоғидан зулм ва тазйиққа учраган аёллар ҳимоя истаб мурожаат қилмоқда. Жорий йилнинг ўтган **8 ойи** мобайнида 22 нафар аёлга ҳимоя ордери берилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Оҳангарон шаҳар ИИБ шахсий таркиби, келгусида ҳудудда тинчлик-осойишталикни барқарор таъминлаш, хизмат самарадорлиги бундан-да юқори даражада бўлиши учун бор имкониятини ишга солиб фаолият олиб боришади, албатта.

Сарвар СОБИРОВ,
«Postda» мухбири.
Абу КЕНЖАЕВ
олган суратлар.

ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ ТИЗИМИДА

МЕҲНАТ ҚИЛГАН КАМ БЎЛМАЙДИ

Тошкент вилояти ИИББ П ва ЖИЭБ 48-сонли манзил-муассасасида жазо муддатини ўтаётган шахслар ғаллачилик, чорвачилик, паррандачилик, боғдорчилик билан шуғулланиб, ҳалол меҳнат қилишяпти.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида муассасага қарашли ер майдонида қарийб 700 тоннага яқин буғдой, 150 тоннага яқин арпа етиштирилди. Умуман олганда, етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми ўтган йилдагига нисбатан сезиларли даражада ошишига эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Озодликдан маҳрум этилган шахсларни меҳнат билан бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2019–2021 йилларда жазони ижро этиш муассасалари ҳузуридаги давлат унитар корхоналарининг ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини босқичма-босқич такомиллаштириш бўйича «Йўл харитаси» тасдиқланди. Унга асосан, 48-сонли манзил-муассаса ҳузуридаги «Agro maxsimum star» давлат унитар корхонасига тегишли 4 гектар ер майдонида иссиқхона барпо этилди. Жанубий Корея технологияси асосида тўлиқ автоматлаштирилган ушбу иссиқхона ишга тушгач, 35 нафар маҳкум доимий иш билан таъминланди.

Мавжуд чорва фермаларидан иккитасида ҳозирги кунда зотдор отлар парваришланмоқда. Шунингдек, ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, қўшимча иш ўринлари яратиш мақсадида кенг кўламли ишлар қилинмоқда. Корхона далаларида етиштирилган мева-сабзавотларни қайта ишлашга мўлжалланган цех ишга туширилиб, яна 6 нафар шахс иш билан таъминланди. Дон майдалаш, донли экинлар ёрмасини, томат пастасини ишлаб чиқариш ускуналари келтирилиб, бу ҳам қўшимча иш ўринлари яратилишига омил бўлди.

Бундан ташқари, яқинда асаларичилик йўлга қўйилди. Корхонада 72 млн. сўмлик жорий таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари якунланиб, бройлер товуқларини боқишга мослаштирилган ферма ташкил этилди. Қўшимча инкубаторлар олиб келиниб, жўжалар чиқариляпти. Ишлаб чиқариш товарларининг хилма-хиллигини ошириш ҳамда янги турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш мақсадида бугунги кунда тажриба асосида 100 бош зотдор қуён парваришланмоқда.

— Амалга оширилаётган бу каби ишлардан асосий мақсад, аввало, жазо муддатини ўтаётган шахсларни меҳнат орқали тарбиялаш, қолаверса, мамлакатимиз иқтисодиётига, халқимиз фаровонлигига ҳисса қўшишдан иборат, — дейди манзил-муассаса тарбиявий ишлар бўлинмаси бошлиғи, капитан Нодир Умиров. — Маҳкумлар фойдали меҳнат билан шуғулланиб, қўшимча ҳунар ўрганса, озодликка чиққач, бу ерда ўрганган касбу ҳунарлари орқали халққа хизмат қилса, ижтимоий ҳаётга мослашиб, одамларга фойда келтирса, биз кўзлаган мақсадимизга етган бўламиз. Муҳими, билиб-билмай жиноят кўчасига кирганлар хатосини англаши, пушаймон бўлиши ва бу хатони қайта такрорламаслигида. Шу мақсадни кўзлаб муассасада маънавий-маърифий тадбирлар, тарбиявий суҳбатлар мунтазам ўтказилиб турилибди. Бундай тадбирларнинг самараси ўлароқ, улар орасида ижобий муҳитни шакллантиришга эришдик. Келажакда бу каби ишлар кўламини янада кенгайтиришни режалаштирганмиз.

Сидқидилдан меҳнат қилган инсон кам бўлмайди. Бирор ишга қўл уриб, кейин чала ташлаб кетадиганлар эса ҳаётдан нолиб юраверади. Ўйлаймизки, мазкур муассасада жазо муддатини ўтаётган шахслар ҳалол меҳнати, пешона тери орқали топилган бойликнинг нақадар тотли эканини чуқур ҳис этишяпти.

ИИВ ЖИЭББ Ахборот хизмати.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК ВА БАНДЛИК

одам савдосига қарши курашнинг асосий омилларидир

Ривожланган, тараққий этган даврда яшасак-да, одам савдоси бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Юртимизда ҳам мазкур жиноятга қўл ураётганлар, жабрланувчига айланаётганлар учраб турибди. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш борасида Наманган вилоятида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Бунда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Поп, Чуст, Тўрақўрғон, Уйчи, Чортоқ ва Учқўрғон туманлари ҳамда Наманган шаҳрида ўтказилган йигирмадан ортиқ ана шундай тадбирлар бунинг яққол тасдиғидир.

Айтиш жоизки, узоқ муддатга кетган ва қайтиб келган шахсларнинг аниқ ҳисобини юритиш, ҳар ой якуни бўйича таққословдан ўтказиш, улар билан фильтр-сўров тадбирларини олиб бориш, тиббий кўрикдан ўтишини йўлга қўйиш, энг асосийси, уларнинг бандлигини таъминлаш яхши натижа бермоқда. Ўрганишларда хорижга узоқ муддатга кетган шахсларнинг бир неча нафари чет элда жиноят содир этгани аниқланди. Бундай шахслар вилоят ИИБ Тезкор маълумотлар бўлими ҳисобига қўйилди. Шу билан бирга, профилактик рўйхатга олиниб, тушунтириш ишлари олиб борилди.

Вилоят бўйича одам савдосига оид юздан ортиқ ариза ва шикоятларнинг аксарияти қаноатлантирилди, айримларига юридик тушунтиришлар берилди, муайян қисми бўйича жиноят иши қўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Наманганда одам савдосининг қурбонига айланган бир нафар чақалоқ Фарғона вилоятида жойлашган гўдаклар уйига топширилди. Бу каби норасидаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, васийлик ва ҳомийлик органларига ўрнатилган тартибда топшириш ҳамда фарзандликка олинганлар учун яратилган шарт-шароитлар доимий равишда ўрганиб борилмоқда.

Аҳоли бандлигини таъминлаш одам савдоси жиноятини келиб чиқишининг олдини олишда муҳим омил ҳисобланади. Шу сабабли вилоятда бу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда. Доимий яшаш манзилларига қайтиб келган фуқароларнинг асосий қисми микрофирма ва кичик корхоналарда яратилаётган иш ўринларига жойлаштирилмоқда. Шу билан бирга, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган 120 нафардан ортиқ фуқарога моддий ёрдам ажратилди.

Шунингдек, одам савдоси ҳақида етарлича тушунчага эга бўлиш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва хабардорлигини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шаҳар ва туманларнинг гавжум жойларида одам савдоси билан боғлиқ маълумот ва суратлар акс эттирилган баннерлар ўрнатилиб, беш мингдан ортиқ плакат ва буклетлар тарқатилди.

Хуллас, одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишнинг энг самарали усули аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларни иш билан таъминлашдир. Бу амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларда ўз ифодасини топмоқда.

Азиза ЖОНИЕВА,
«На посту» мухбири.

Наманган вилояти.

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ДАРСИ

ПАНДЕМИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ – ЖАСОРАТ НАМУНАСИ

Дунё давлатлари қатори, Ўзбекистон ҳам коронавирус пандемияси туфайли синовли кунларни бошидан кечирмоқда. Ана шундай оғир ва таҳликали вазиятларда кўплаб соҳалар, айниқса, тиббиёт ва ички ишлар органлари ходимларининг хизмати халқимиз ҳаётида қанчалик муҳим ва аҳамиятли эканига яна бир бор амин бўлдик. Пандемия шароитида саломатлик ва осойишталик посбонларининг ҳамжиҳатликда ҳаракат қилаётгани хавфли вирус янада кенг тарқалиб кетишининг олдини олмоқда.

Президентимизнинг коронавирус инфекцияси кенг тарқалишига қарши курашишни кучайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишларида **«Коронавирусга қарши курашишдаги ўзига хос «жанг майдони»да тиббиёт ходимлари биринчи зарбани қабул қилмоқдалар. Оддий ҳақиқатни тан олиш адолатдан бўлади. Касалларга ўз вақтида ёрдам берилса, улар шифо топади, касалхоналарни тарк этади. Лекин охирги касал тузалмагунча тиббиёт ходимлари иш жойини тарк этолмайди. Дунё бўйлаб, хусусан, мамлакатимизда шифокорларнинг ўз касбига садоқати, халқимиз, ота-оналаримиз, фарзандларимиз соғлиғи йўлида туну кун қилаётган меҳнати барчамиз учун жасорат намунаси бўлмоқда»**, дея ўз ҳаёти ва соғлиғини гаровга қўйиб, пандемия билан курашаётган шифокорлар, ҳамширалар, санитар ходимларга бутун Ўзбекистон халқи номидан чексиз миннатдорлик билдирганлари ҳам бежиз эмас. Бундай юксак эътироф, шубҳасиз, тиббиёт ходимларининг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшмоқда.

Коронавирус пандемиясининг дунё бўйлаб шиддат билан тарқалиши биз – соғлиқни сақлаш соҳаси вакилларига янада катта масъулият юкламоқда. Нафақат коронавирус инфекциясига чалинганлар, балки бутун башариятнинг умид кўзлари шифокорларга қадалган. Ушбу улкан масъулиятни чуқур ҳис этган тиббиёт ходимлари шиддат билан коронавирус балосига қарши курашга киришди ва самарали натижаларга эришмоқда.

Бошқа муассасалар каби, ИИВ «Ўзбекистон» санаторийси ҳам карантин тадбирларига жалб этилди. Ички ишлар вазирининг 2020 йил 17 мартдаги «Ички ишлар органлари ходимларининг республикада коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш тадбирларида иштироки давомида хавфсизлик чораларини таъминлаш тўғрисида»ги фармойиши ижросини таъминлаш юзасидан санаторийда 100 ўрин-жойли карантин муассасаси ташкил этилди. Бу ерда кўплаб ички ишлар органлари ходимлари ҳамда уларнинг оила аъзоларига малакали, ўз касбининг фидойилари бўлган жонкуяр тиббиёт ходимлари томонидан зарур муолажалар қилинмоқда.

Карантин тадбирларига жалб этилган ички ишлар органлари ходимлари ИИВ Тиббиёт бошқармаси томонидан 13500 дона бир маротабалик тиббий ниқоб, 5800 жуфт тиббий қўлқоп ва 250 та махсус кийим билан таъминланди.

Коронавирус инфекциясини юқтирган ёки гумон қилинган фуқароларни даволаш муассасалари ва карантин зоналарида хизмат олиб борган ички ишлар органлари ходимлари карантиндан чиқиб, 10 кун мобайнида реабилитация даврини ўтказиш учун Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида жойлашган «Лочин» болалар соғломлаштириш оромгоҳига жойлаштирилмоқда.

Ички ишлар органлари тизимидаги тиббий муассасалардан олинган маълумотларга кўра, коронавирус инфекциясини юқтирган ходимлар сони жорий йилнинг 5 октябрь кунига қадар 7937 нафар бўлиб, шулардан 6188 нафари соғайган. Ҳозирги пайтда 1570 нафар бемор уй шароитида, 163 нафар ходим касалхонада даволанмоқда.

Афсус ва надомат билан айтиш лозимки, беморлар ҳаётини сақлаб қолиш, коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш ва халқимиз осойишталигини таъминлаш йўлида соғлиқни сақлаш ҳамда ички ишлар ва бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари азиз жонларини қурбон қилдилар.

Шу йилнинг 23 июлида Президентимизнинг «Коронавирус пандемиясига қарши курашишда фидойилик кўрсатган юртдошларимиздан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармони эълон қилинди. Унга кўра, пандемия туфайли юзага келган мураккаб ва синовли кунларда ҳаёти ва соғлиғини хавф остига қўйиб, зиммасига юкланган вазифаларни бажариш йўлидаги улкан жасорати ва фидойилиги учун бир гуруҳ юртдошларимиз фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотланди.

Бу йил Мустақиллик байрамини пандемия шароитида кутиб олишга тўғри келди. Мана шундай синовли кунларда ҳам Юртбошимизнинг Ватан тинчлиги ва равнақи йўлида хизмат қилган фидойи инсонлар меҳнатини эътироф этгани таҳсинга лойиқ. Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллиги муносабати билан коронавирус пандемиясига қарши курашишда фидойилик кўрсатган тиббиёт соҳаси ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонига мувофиқ, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, хусусан, коронавирус пандемияси кенг тарқалишининг олдини олиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, беморлар ҳаётини асраш, уларга меҳр ва ғамхўрлик кўрсатиш борасидаги алоҳида хизматлари, ўз ҳаёти ва соғлиғини хавф остига қўйиб, муқаддас шифокорлик бурчини виждонан адо этишдаги жасорати ва фидойилиги учун бир гуруҳ саломатлик посбонлари давлатимиз юксак орден ва медаллари билан тақдирланди.

Беморларни даволаш, улар қалбида умид уйғотишни ҳаётининг мазмуни деб билган бундай фидойи инсонлар жасорати йиллар ўтса-да, унутилмайди. Бугун мактаб партасида ўтирган жажжи ўқувчилар бу кунларнинг аччиқ сабоқларидан тўғри хулоса чиқариб, уларнинг шарафли ишларини давом эттиришни дилларига тугишган бўлса не ажаб...

Жаҳон миқёсида кенг тарқалиб, глобал муаммога айланган коронавирус пандемияси даврида, шунингдек, табиий офатлар, фавқулодда ҳолатлар туфайли эл-юртимиз бошига тушган синовли кунларда мавжуд хавф-хатарларга қарши курашда, уларнинг оқибатларини бартараф этишда мардлик ва жасорат намунасини кўрсатган юртдошларимиз кўпчиликни ташкил этади. Улар миллий қадрият ва анъаналаримизни муносиб давом эттириб, меҳр-оқибат, саховат, ҳиммат ва олижаноблик фазилатларини улуғлаб, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларга беминнат кўмак бериш борасидаги ишларни умумхалқ ҳаракати даражасига кўтаришга катта ҳисса қўшган ватанпарвар инсонлардир.

Жамиятимизда тинчлик-осойишталик, бирлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлашда фаол иштирок этиб, беғараз ҳомийлик ёрдами ҳамда эзгу ишлари билан кўпчиликка алоҳида ўрнак бўлаётган юртдошларимиз, жамоатчилик вакиллари, ички ишлар органлари ходимлари ҳамда саломатлик жонкуярлари давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 26 августдаги фармонига мувофиқ «Меҳр-саховат» кўкрак нишони билан тақдирланди.

Нафсиламрини айтганда, саломатлик ва осойишталик посбонлари пандемияга қарши курашишда ўз бурчи ва қасамёдига содиқ қолиб, жасорат ва фидойилик намуналарини кўрсатишда асло чарчамайди.

Севара ЗАЙНУТДИНОВА,
ИИВ «Ўзбекистон» санаторийси бошлиғининг ўринбосари, майор.

НЕДЕЛЯ ПОЖИЛЫХ ЛЮДЕЙ

ТРИДЦАТЬ ЛЕТ НАСТАВНИЧЕСТВА

Ветеран органов внутренних дел подполковник в отставке Хуршед Султанович Максудов почти тридцать лет получает поздравления с Днем учителей и наставников от учеников, многие из которых уже так же находятся на заслуженном отдыхе.

Х. Максудов родился и вырос в старой части Самарканда. Окончив школу, уехал в далекий сибирский город на реке Иртыш – Омск (Россия), навстречу своей мечте – хотел поступить в Омскую высшую школу милиции.

В 1972 году Хуршед Максудов с новенькими лейтенантскими погонами на плечах вернулся в родной город. Служба в органах внутренних дел началась с должности следователя, а завершилась в 1992 году постом начальника УВД г. Самарканда.

Недавно Хуршед Султанович побывал в УВД Самаркандской области и поделился своими впечатлениями:

– Сегодня созданы все условия для службы: кабинеты оборудованы компьютерами, в здании установлены камеры видеонаблюдения, есть специальная комната для проведения допроса. В общем, поразило все. Вы не поверите, как эти условия отличаются от тех, в которых трудились мы в прошлом. Помню, как теснились по 5–6 следователей в одной комнатке. Я вышел на пенсию в первые годы независимости. Это было сложное время становления. С тех пор многое кардинально поменялось, сотрудники теперь имеют в своем арсенале все необходимое.

Под руководством Хуршеда Султановича в городском управлении органов внутренних дел работали талантливые, способные, преданные своему делу сотрудники. Они часто вспоминают своего наставника. А все потому, что их руководитель наряду со строгостью отличался необыкновенной человечностью. Он понимал, что выходные дни сотрудники должны посвящать семье, культурно просвещаться, читать книги. Все это отражалось на их службе.

Чтение книг в семье Максудовых – особый ритуал, к которому каждый домочадец относится с любовью. В домашней библиотеке нашего героя хранятся сотни книг – произведения зарубежных и узбекских классиков. Хуршед Султанович не устает повторять: «Книга – добрый и мудрый советчик, духовно возвышающий каждого из нас».

Замира БАЛТАЕВА,
корреспондент «На посту».
Фото автора.

Самаркандская область.

НИКТО НЕ ОСТАЛСЯ БЕЗ ВНИМАНИЯ

Ветеранская организация Кургантепинского РОВД объединяет более 40 сотрудников в отставке. Личный состав подразделения всегда готов оказать им помощь и поддержку.

Майор в отставке Илхомжон Мамасолиев прослужил в органах внутренних дел около 30 лет. Службу начинал инспектором административной практики отделения безопасности дорожного движения Пахтаабадского РОВД, работал начальником отделения БДД в городах Карасу, Ханабад. На заслуженный отдых вышел в 2007 году с должности начальника отдела внутренних дел г. Карасу.

– Служба в органах внутренних дел требует терпения, выносливости, умения работать с людьми, – говорит Илхомжон Мамасолиев. – Не каждому дано быть стражем порядка. Президент и правительство уделяют большое внимание пожилым людям. В прошлом году для ветеранов системы была организована поездка в Бухару. Мы посетили многие святые места. В этом году в рамках акции «Внутренний туризм» было запланировано немало мероприятий, но наши планы нарушил коронавирус.

Недавно в гостях у ветерана побывал заместитель начальника по воспитательной работе Кургантепинского РОВД майор Улугбек Исмоилов. Он справился о здоровье, ознакомился с бытовыми условиями, рассказал о жизни отдела.

– Ни один ветеран не остается без внимания, – подчеркнул майор У. Исмоилов. – Нуждающимся выдаются продуктовые наборы, выделяются денежные средства. Сотрудники помогают им по хозяйству: вскопать огород, подправить покосившийся сарай. Наших ветеранов мы чтим и уважаем, проявляем к ним максимум внимания.

Борис КЛЕЙМАН,
корреспондент «На посту».
Фото автора.

Андижанская область.

АНГЕЛЫ НАШИХ ДОМОВ

Уровень культурного развития любого общества в первую очередь определяет реальная забота о людях старшего поколения. Проявление к ним уважения и почтения в Узбекистане является неотъемлемой частью духовной жизни. Не случайно народная пословица гласит: «В доме, где есть пожилые люди, правят добро и свет».

В рамках Недели пожилых людей представители командования войск МВД по обеспечению безопасности в международных аэропортах навестили людей преклонного возраста, оказали им материальную помощь.

В течение недели также были посещены дома военнослужащих, находящихся на заслуженном отдыхе. От имени личного состава им были вручены подарки.

Необходимо отметить, что в системе представителям старшего поколения и ветеранам войск уделяется особое внимание. Их часто навещают, содействуют в разрешении возникающих житейских проблем. Кроме того, реализуются меры по использованию богатого опыта ветеранов в деле воспитания молодых военнослужащих в духе патриотизма и преданности профессиональному долгу.

Уктамжон
МУСУРМОНКУЛОВ,
подполковник.

МУНОСАБАТ

ИСҲОҚХОН ИБРАТ – МИЛЛАТ ФАХРИ

Она Ватанимиз дунё илм-фани ва тараққиётига муносиб ҳисса қўшган буюк алломалар юрти сифатида донг таратган. Диёримиздан етишиб чиққан ана шундай улуғ зотлардан бири миллий уйғониш даврининг етук номояндаси, шоир, ёзувчи, жадидчи, тарихчи ва тилшунос олим, таржимон ҳамда шариат ва дин пешвоси Исҳоқхон Ибратдир (ҳақиқий исми Исҳоқхон Тўра Жўнайдуллахўжа ўғли).

Гўзал ва бетакрор Наманганнинг Тўрақўрғон заминида туғилиб ўсган бу табаррук инсон миллатнинг маънавияти, маърифати, истиқболи ва истиқлоли йўлида улкан ишларни амалга оширади. Унинг бу каби буюк хизматларини ўзбек халқи ҳеч қачон унутмайди.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Марзиёев ташаббуси билан Наманганда маърифатпарвар олимнинг номини абадийлаштириш мақсадида унинг номидаги замонавий боғ, ёдгорлик мажмуаси, босмахона, чет тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернат ҳамда тарихий-меъморчилик обидалари асосида музей барпо қилинди. Юртбошимиз томонидан киноижодкорлар олдига қўйилган галдаги вазифа эса жадидчилик даврининг ёрқин вакили Исҳоқхон тўра Ибратнинг юрт равнақи йўлидаги фидокорона ҳаётидан ҳикоя қилувчи фильм яратиш эди.



Яқинда Абдуқаюм Йўлдошев ва Нурулло Аббосхон сценарийси асосида таниқли кинорежиссёр Жаҳонгир Қосимов томонидан суратга олинган «Ибрат» тарихий-бадиий фильмининг премьераси бўлиб ўтди. Фильм дастлаб олим туғилиб ўсган Тўрақўрғонда, кейин эса пойтахтимиздаги янги таъмирдан чиқарилган Алишер Навоий номидаги киносаройда намойиш этилиб, мухлислар қалбидан чуқур жой олди. Таъкидлаш керакки, фильмдаги тарихий жойлар, кийим-кечак, от арава, қурол-яроғ ва ҳужралар ўша даврни янада реал акс эттирган. Шунингдек, фильмдаги роллар Фарҳод Маҳмудов, Саидкомил Умаров, Эркин Комилов, Карим Мирҳодиев, Матёқуб Матчонов ва бошқалар томонидан талаб даражасида ижро этилганлиги режиссёрнинг актёрларни тўғри танлаганидан далолатдир.

Агар фильмдаги воқеаларга тўхталадиган бўлсак, юксак истеъдод соҳиби бўлган Ибрат ўз халқининг дунё тараққиётидан анча ортда қолиб кетаётганлигини кўриб, ич-ичидан сиқилади. Узоқ вақт мобайнида бу масалага ечим излаб, миллатнинг истиқболини фақатгина етук ва малакали мутахассислар билан кўтариш мумкинлигини англаб етади. Бу мутлақо тўғри ендашув эди. Шу сабабли у ўзининг ҳисобидан эски мактабларга нисбатан анча илғор бўлган таълим масканини очиб, ўқувчиларга билим бера бошлайди. Аммо унинг бу каби илғор ёндашув асосида одамлар орасида обрў-эътиборининг ошиб кетаётганлигини кўрган айрим ғаламис кимсалар туҳмат қилиб, унинг мактабини ёптириб қўйишади. Жонкуяр маърифатпарвар қанчалик елиб-югурмасин, барчаси бефойда кетади.

Бу хатти-ҳаракатлардан ранжиган Ибрат онасининг бир умрлик орзусини рўёбга чиқариш учун ҳаж сафарига отланади. Узоқ давом этган йўл машаққатларидан сўнг Макка шаҳрига бориб, онаси билан бирга ҳаж зиёратини адо этишади. Бироқ азалий мақсадига эришган онаси шу ерда вафот этади.

Шундан сўнг асосий нияти билимини янада ошириш бўлган Исҳоқхон Ибрат Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрига келади. Бу ердаги китоб дўконларининг биридан ўзига керакли маълумотлар жам бўлган китобларни топган олим кўзлари қувончдан порлаб, уни сотиб олишга ошиқади. Лекин ноёб илм манбаининг сотилмаслигини эшитган Ибрат ундаги илмларни ўзлаштириш учун ҳатто ушбу дўконда қолиб ишлашга ҳам рози бўлади. У узоқ вақт мобайнида китобхонларга хизмат қилиш билан бир қаторда, ўз мақсадига ҳам эришади.

Ундаги билимга бўлган бундай қизиқиш, сабр-тоқат ва тинимсиз изланиш бугунги авлодга намуна бўлишга арзийдиган хислатдир. Ҳатто унинг маҳорати ва талантига қойил қолган дўкон эгаси ҳам унинг шу ерда қолишини сўраб, ўзига куёв қилишини ва бутун мол-дунёсини беришини айтади. Аммо миллатининг келажагини барча нарсадан устун қўйган Ибрат унинг таклифига рози бўлмасдан, илм йўлидаги изланишларини давом эттиради. Бу фильмни мириқиб томоша қилган ҳар қандай кишида она Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатни янада мустаҳкамловчи асосий хусусиятлардан биридир.

Хуллас, у илмини янада бойитиш йўлида Афина, Искандария ва Римга боради. Сўнгра Истанбул орқали Бағдод, Теҳрон, Исфаҳон, Шероз ва Қорачи каби шаҳарларга кириб ўтади. Эрон ва Афғонистонни айланиб чиқиб, у ердан Ҳиндистонга йўл олади. Бироз вақт Бомбей ва Калькуттада яшаб, кейин Қашқарга келади. Саёҳатлари давомида юнон, инглиз, турк, араб, форс, ҳинд ва урду тилларини мукаммал даражада эгаллайди. Кейинчалик рус тилини ҳам ўзлаштиради. Қадимги финикия, яҳудий, сурия ва юнон ёзувларини ўрганади.

Шундай қилиб, тўққиз йиллик сафардан сўнг яна ўз Ватанига қайтган Исҳоқхон Ибрат «янги усул» мактабини очиб, ёшларга замонавий билимларни чуқур ўргата бошлайди. Бундан ташқари, шарқ ва ғарб илм-фани, маданияти ва санъати билан яқиндан танишган олим бундай ютуқлардан юртдошларимизни ҳам баҳраманд қилиш илинжида 1908 йилда Россиянинг Оренбург шаҳридан литографик машина сотиб олиб, уни Қўқонгача поездда, Тўрақўрғонгача эса туяларга ортиб, катта машаққатлар билан ҳовлисига олиб келади. Шу тариқа, «Матбааи Исҳоқия», яъни «Исҳоқия босмахонасини» ташкил қилади. Унда ўз даврининг бир қатор илмий-маърифий китоб ва рисолалари, миллий газеталар чоп этиб, уларни тарқатиш учун Фарғона водийси бўйлаб ўнлаб китоб дўконлари ташкил этади.

Фильмнинг кишини мушоҳада қилишга ундайдиган таъсирли жиҳатларидан яна бири, ўтган асрнинг 20-йиллари охири ва 30-йиллари бошида давлат лавозимларида фаолият кўрсатган Ибрат 1935 йилда барча вазифаларидан озод этилиб, мол-мулки мусодара қилинади. Бу ҳам етмаганидек, унга мактабларда дарс бериш тақиқлаб қўйилади. 1937 йилда эса «совет ҳукуматига қарши тарғибот»да айблаб, уни қамашади. Ўша йилнинг апрель ойида ҳали мақсадларига тўла-тўкис эриша олмаган Исҳоқхон Ибрат 75 ёшида Андижондаги қамоқхонада вафот этади.

Юртимиз ижтимоий маънавий ҳаётида муҳим из қолдирган серқирра ижодкор тилшуносликка оид 10 дан ортиқ илмий-тарихий ва маърифий асарлар яратган. Унинг араб, форс, ҳинд, турк, ўзбек ва рус сўзларидан тузилган, ўша давр учун муҳим аҳамият касб этган «Луғати ситта ал-сина» (Олти тилли луғат), ёзувлар тарихига оид «Жомеъ ул-хутут» (Хатлар мажмуи) ҳамда «Тарихи Фарғона», «Тарихи маданият», «Мезон уз-замон» (Замон тарозуси), «Санъати Ибрат, қаламми Мирражаб Бандий» китоблари шулар жумласидандир.

У 30 йиллик фаолияти давомида тўпланиб қолган барча шеърларини йиғиб, «Девони Ибрат» номли тўпламга жамлайди. Шунингдек, унинг фан, таълим, маърифат ва маданиятга бағишланган кўплаб мақолалари «Туркистон вилояти газети», «Садои Туркистон» ҳамда «Садои Фарғона» газеталарида нашр этилади. Олимнинг нақадар буюк истеъдод соҳиби эканлигини эътироф этган филология фанлари доктори Нурбой Жабборов ҳам премьерага ташриф буюрган кино ихлосмандларига ана шундай етук инсоннинг ҳамюрти эканлигидан чексиз фахрланишини таъкидлади.

Бир сўз билан айтганда, барчани миллат ва халқнинг эртанги куни, порлоқ келажаги йўлида мардонаворлик, машаққатларга тик бориб, уни енгишга ундайдиган мазкур фильм Ибратнинг ҳақиқий юрт ўғлони эканлигини кўрсатиб беради.

Михли САФАРОВ,
«Postda» мухбири.

МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ АХБОРОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ТАРИХИЙ НУТҚНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ТУШУНТИРИЛЯПТИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида сўзга чиқиб, халқаро ҳамжамият эътиборига минтақавий ва глобал аҳамиятга эга долзарб масалалар юзасидан ўз нуқтаи назарини тақдим этган ҳамда Ўзбекистонни сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий модернизация қилишнинг устувор йўналишлари хусусида тўхталиб ўтган эди.

Давлатимиз раҳбари нутқининг мазмун-моҳиятини, унда илгари сурилган таклифларнинг аҳамиятини очиб бериш мақсадида Миллий гвардиянинг республикамиз бўйлаб жойлашган барча бошқармалари ва бўлинмаларида давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Ушбу тадбирларда тарихий нутқ юзасидан ҳарбий хизматчи ва ходимларни қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб қайтариляпти.

АҲОЛИ ХАВФСИЗЛИГИ ВА СОҒЛИҒИНИ КЎЗЛАБ

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича бошқармаси ҳарбий хизматчилари ва ходимлари томонидан Нукус шаҳридаги марказий кўчаларда, аҳоли гавжум ҳудудларда, бозорларда ҳамда жамоат жойларида махсус рейд тадбирлари ташкил этилди. Бундан кўзланган мақсад фуқароларнинг карантин қоидаларига қанчалик амал қилаётганини текширишдан иборат эди.

ИИВ ҳамда СЭНДИ ходимлари иштирокида ўтказилган тадбир давомида санитария талабларига жавоб бермайдиган жойларда савдо-сотиқ ишларини олиб бораётган фуқаролар қатъий огоҳлантирилди. Шунингдек, бозорларда ва кўча-кўйда тиббий ниқобсиз ёки ниқобларини жағ қисмига тушириб олган ҳолатда юрган фуқароларга бундай лоқайдликлари ва бепарволиклари биринчи навбатда ўзларининг ва оила аъзоларининг, қолаверса, атрофдагиларнинг ҳам ҳаётини хавф остига қўйиши мумкинлиги тушунтирилди.

ШОҲСУПАДА – ВИЛОЯТ ИИБ ВАКИЛЛАРИ

Фарғона шаҳрида қўл жанги бўйича вилоят биринчилиги ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Фарғона вилояти «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамияти ташаббуси билан ташкил этилган мусобақада ҳудудда фаолият юритаётган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари қатнашди.

Ҳарбий хизматчи ва ходимларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш ҳамда қўл жанги спорт турини оммалаштириш мақсадида ташкил этилган мазкур беллашувда жами 5 жамоа ўзаро куч синашди. Мусобақа якунларига кўра, умумжамоа ҳисобида Миллий гвардия Қўриқлаш бошқармаси 3-ўринни, Миллий гвардиянинг Фарғона вилояти бўйича бошқармаси 2-ўринни эгаллади. Шоҳсупанинг энг юқори поғонасига эса вилоят ИИБ вакиллари кўтарилди.

«ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ – МАЪРИФАТ»

Ушбу шиор остида Миллий гвардиянинг Навоий вилояти бўйича бошқармаси ва вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан ижтимоий мослашувга муҳтож оилаларнинг фарзандлари иштирокида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Тадбир давомида Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларининг қўл жанги бўйича кўргазмали чиқишлари, қурол-аслаҳа ва техникалар, ёш спортчиларнинг чиқишлари ва концерт дастурлари намойиш этилиб, иштирокчиларга китоблар совға қилинди.

Тадбир иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

БЕВОСИТА МУЛОҚОТ САМАРАСИ

Халқ билан мулоқот давлат органларини одамларга яқинлаштиради. Шу боисдан Миллий гвардия қўмондонлиги мазкур масалага алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Яқинда Миллий гвардиянинг Наманган вилояти бўйича бошқармасига бириктирилган сектор ҳудудига кирувчи Наманган шаҳрида жойлашган маҳаллалар кесимида аҳоли билан суҳбатлар олиб борилгани ҳам фикримизнинг тасдиғидир.

Тадбирда вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси ва ИИБ ходимлари ҳам иштирок этишди. Фуқаролар билан ташкил этилган мулоқотлар мобайнида уларнинг аниқланган муаммолари тегишли ташкилот ва идоралар вакиллари кўмагида ўз ечимини топди. Хусусан, «Юқори Гирвон», «Оби ҳаёт» ва «Мингчинор» маҳалла фуқаролар йиғинларида ичимлик суви қувурлари қайта таъмирланди.

Шунингдек, ушбу ҳудуддаги мактабларда карантин қоидаларига қай даражада амал қилинаётганлиги ўрганилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берилди.

Саҳифа материалларини лейтенант Нозима МАҲМУДОВА тайёрлади.

ЧЕЛОВЕК И ЕГО ДЕЛО

ЕСЛИ ТЫ СЛЕДОВАТЕЛЬ

В органы внутренних дел обратился предприниматель, житель города Андижана Б. И. В заявлении гражданин написал, что во время ремонта его дома неизвестный вскрыл сейф и украл 39 тысяч долларов США.

В ходе оперативно-следственных мероприятий подозрение в совершении преступления пало на 45-летнего Д. Т., производившего сварочные работы в доме потерпевшего. По месту постоянного проживания подозреваемого не оказалось. Он был объявлен в розыск. Спустя два месяца Д. Т. обнаружили в городе Навои, где он снимал квартиру в частном секторе. Подозреваемого доставили в Андижан.

По изложенному факту было возбуждено уголовное дело по ч. 4 ст. 169 УК Республики Узбекистан. Дело было поручено вести старшему следователю Следственного управления при УВД Андижанской области майору Музаффару Кодирову.

В ходе следствия вина Д. Т. была полностью доказана. Решением Андижанского городского суда по уголовным делам он приговорен к 8 годам лишения свободы.

Музаффар Кодиров выпускник Академии МВД Республики Узбекистан. После окончания образовательного учреждения один год работал инспектором профилактики в Андижанском районе. Затем был переведен в следственную службу – работал следователем СО ОВД Избасканского, Андижанского районов.

– Наша профессия требует большой ответственности, выдержки и самообладания, – говорит старший следователь СУ при УВД Андижанской области майор М. Кодиров. – Необходимо также обладать аналитическим умом, интуицией, хорошей памятью, наблюдательностью, огромной работоспособностью.

Неотъемлемые черты характера хорошего следователя – принципиальность и решительность, готовность и умение идти к поставленной цели, даже с риском для жизни и благополучия, помогающие представителям этой специальности отстаивать свою позицию, проявлять непреклонность в отношении сомнительных предположений. А самое главное, следователь обязан строго следовать букве Закона. Именно такие качества присущи нашему герою.

– Майор Кодиров – один из лучших сотрудников, – говорит заместитель начальника УВД, начальник Следственного управления при УВД Андижанской области полковник Яхьё Абдулхаков. – Он работает с душой, строго соблюдает служебную дисциплину. В ходе следственных мероприятий в короткие сроки выявляет круг лиц, причастных к совершению преступления, грамотно производит следственные действия, предусмотренные уголовно-процессуальным законодательством. Расследование любого уголовного дела осуществляет не только с позиции обвинения, но и с позиции защиты прав и интересов лиц, пострадавших от совершенного преступления, а также защиты прав подозреваемого, ведь лицо считается невиновным, пока его вина не будет доказана. Музаффар Кодиров строго следует принципу охраны прав и свобод граждан, участвующих в уголовном процессе.

Старшему следователю поручается расследование сложных, многоэпизодных дел, связанных с кражами, нанесением тяжких телесных повреждений, мошенничеством. Майор М. Кодиров успешно справляется с поставленными задачами, ведь он – следователь по призванию.

Борис КЛЕЙМАН,
корреспондент «На посту».
Фото автора.
Андижанская область.

К ДНЮ ГОСУДАРСТВЕННОГО ЯЗЫКА

ВОПЛОЩЕНИЕ ДУШИ НАРОДА

Я родилась в Узбекистане. По национальности – татарка. Любовь к узбекскому языку воспитали во мне мои родители.

Мне очень близок узбекский язык, которым я свободно владею. На мой взгляд, это один из красивейших языков, в котором отражаются богатые традиции, самобытная культура народа, воплощена его душа.

С большим интересом читаю в оригинале произведения узбекской литературы. Один из любимых писателей – великий романист Абдулхамид Чулпан. Очень нравятся поэтические произведения Мухаммада Юсуфа.

Яркое впечатление оставило у меня недавнее посещение Аллеи литераторов, расположенной в Национальном парке Узбекистана им. Алишера Навои. Это уникальное место в столице, где установлены величественные памятники выдающимся мастерам пера. Посещение таких мест вдохновляет, обогащает духовно.

Диана ХАМИДУЛИНА,
учащаяся Ташкентского академического лицея № 1 МВД Республики Узбекистан.

МЕРОПРИЯТИЕ

В ЦЕЛЯХ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

В Куйичирчикском районе прошел семинар для заместителей начальников городских, районных управлений и отделов внутренних дел столичной области.

Участники ознакомились с опытом работы ОВД № 9, возможностями, созданными в новом административном здании подразделения, сданном в эксплуатацию накануне 29-летия Независимости.

В ходе семинара была представлена актуальная информация, касающаяся эффективной организации профилактической деятельности с незанятой молодежью, безработными женщинами, малообеспеченными семьями.

Особое внимание уделено вопросу оказания адресной помощи представителям молодежи и женщинам в трудоустройстве, получении ими льготных кредитов для осуществления предпринимательства, начала семейного бизнеса. Подчеркивалось, что обеспечение занятости граждан – важнейшая составляющая ранней профилактики правонарушений, данное направление работы постоянно должно находиться в центре внимания.

В завершение мероприятия участникам для применения в практической деятельности были предоставлены соответствующие пособия, а также развернутые материалы семинара.

Информационная служба ГУВД Ташкентской области.

ПРАВОВАЯ ПРОПАГАНДА

МНОГОДЕТНАЯ СЕМЬЯ, ОХРАННЫЙ ОРДЕР... И ДРУГИЕ ИЗМЕНЕНИЯ

Президентом Республики Узбекистан подписан Закон «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан» (№ ЗРУ–640 от 5 октября 2020 г.). Законом внесены изменения и дополнения в 8 кодексов и 10 законов.

Согласно внесенному дополнению в Семейный кодекс, семья, имеющая 4-х и более детей, не достигших 18 лет, является многодетной семьей.

При этом, если из 4-х и более детей 1 или более обучаются по очной форме обучения в образовательных организациях (среднего специального и профессионального, высшего образования) и не достигли возраста 22-х лет, эта семья также считается многодетной семьей.

Согласно внесенному дополнению в Кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности, установлена административная ответственность за невыполнение требований охранного ордера лицом, совершившим притеснение и (или) насилие либо склонным к их совершению.

При этом, к правонарушителю применяется штраф от 223 тысяч сумов до 669 тысяч сумов или административный арест до 15 суток.

Согласно внесенному дополнению в Закон «О государственной пошлине», истцы по искам о возмещении материального ущерба и компенсации морального вреда женщинам, пострадавшим от притеснения и насилия, освобождаются от уплаты государственной пошлины.

Установлена ответственность за воспрепятствование законной деятельности государственного инспектора органов по экологии и охране окружающей среды

Согласно внесенным дополнениям в Кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности, установлена административная ответственность за воспрепятствование законной деятельности государственного инспектора органов по экологии и охране окружающей среды, а также невыполнение его предписаний.

Совершение данного правонарушения влечет наложение штрафа на граждан до 669 тысяч сумов, а на должностных лиц – до 1 млн. 115 тысячи сумов.



Также Кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности дополнен ст. 125², согласно которой установлена административная ответственность за незаконное использование зарегистрированных в других государствах автотранспортных средств для перевозок грузов и (или) пассажиров (штраф в размере 4 млн. 460 тысяч сумов).

Полномочия по рассмотрению дел по данному виду административного правонарушения переданы органам Министерства транспорта.

Согласно внесенному изменению в Гражданский кодекс, при неиспользовании товарного знака на территории Узбекистана без уважительной причины непрерывно в течение последних 3-х лет (раньше было 5 лет) его регистрация может быть аннулирована на основании решения суда по требованию любого заинтересованного лица.

Подготовлено по материалам СМИ.

ПОТЕРЯ УПРАВЛЕНИЯ АВТОМОБИЛЕМ ПРИВЕЛА К ГИБЕЛИ ЛЮДЕЙ

5 октября примерно в 17 часов на 8-ом километре дороги 4Р–89 «Карши–Нишан–Талимаржон» водитель автомобиля марки «Nexia» 33-летний А. С., потеряв управление, съехал на правую часть дороги, где автомобиль перевернулся.

В результате ДТП пассажир, 54-летний М. О., скончался на месте. Другие пассажиры, 58-летний Б. Х. и 54-летний А. Э., с телесными повреждениями были доставлены в реанимационное отделение медицинского учреждения, где, несмотря на усилия врачей, скончались.

Как сообщает Следственный департамент при МВД Республики Узбекистан, по данному факту СО при ОВД Каршинского района возбуждено уголовное дело по п. «а» ч. 3 ст. 266 («Нарушение правил безопасности движения или эксплуатации транспортных средств») УК Республики Узбекистан. Предварительное следствие по уголовному делу проводится Следственным управлением при УВД Кашкадарьинской области.

Соб. корр.

Комментарии излишни...



МУАММО, МУЛОҲАЗА, МУШОҲАДА

ҲАММА АЙБ ФИРИБГАРДА ЭМАС

УНИҚҚАН ТУФЛИ КИМНИКИ?

Ижарада яшаш жонга теккан. Бир неча йилдан бери уй сотиб олиш учун емай-ичмай йиғинаман. Ниҳоят, бир хоналига етгудек пул тўпладим, сал чеккароқ маҳаллада бўлса ҳам йиққанимга яраша уй топилди. Аммо сотармон охирги лаҳзада айниб қолса бўладими, яна зир югуриб уй суриштира бошладим. Ишхонадагилар ва танишбилишларга ҳам тайинлаб қўйганман. Топилса-чи...

Бу орада ҳамкасб йигит қизиқ таклиф билдирди: «Биз томонлардан бир ака келган, ем олди-сотдиси билан шуғулланади. Айтишича, 15 кунда икки баробар фойда қилиш мумкин экан. Агар шу ишга қўшилсангиз, бир хонали эмас, икки хонали уй сотиб олардингиз. Менинг ҳам озроқ тўплаганим бор». Қисқаси, ҳамкасбнинг уйида ўша одам билан учрашдик.

Башанг кийинган тадбиркор бизга ишнинг қандай амалга оширилишини тушунтирди. Ун комбинатидан давлат нархида ем олинади ва қишлоқларда бозор нархида сотилади. Унинг гапларидан шуни сездикки, ун комбинатидаги ҳамма раҳбарларни танийди ва қўлларида миллионлаб пул айланади. Бизни шерик қилишига сабаб харажатни камайтириш, фойдани кўпайтириш экан.

Гаплари жўялидек туюлди. Акам билан маслаҳатлашиб, қароримни айтадиган бўлдим. Уйдан чиқаётганимда остонада турган сал униққан туфлига кўзим тушди. Ҳамкасбимдан оёқ кийими меҳмонникими, дея сўрадим. У бош иргади. Қўлида миллионлаб пул айланадиган одам бунақа туфли киймайди, деган хулоса билан бу ишга бош қўшмасликка қарор қилдим.

Кўп ўтмай уй сотиб олдим. Яна озроқ вақтдан сўнг ҳамкасбим янги гап топиб келди: «Анов ишга аралашмай тўғри қилган эканмиз, у қип-қизил «мошенник» экан. Кўпни қақшатиб кетибди».

Бу воқеани анча йиллар илгари танишим гапириб берганди. Қизиқ, бу даражада ноинсофлик қилиш учун инсон бошидан нималарни ўтказиши керак? Бу тарбиядаги бузуқлик ҳосиласими ёки генлар ўз сўзини айтаяптими? Наҳот, улар бошқалар нафрати босимини ҳис этмаса?..

ҚУЛМИДДИННИНГ УКАЛАРИ

Сўнгги йилларда фирибгарлик жиноятидан жабр кўраётганлар сони ошганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ҳуқуқшунослар бу турдаги қонунбузарликларга фуқароларнинг ҳуқуқий билими етишмаслиги ва ишонувчанлиги сабаб бўлаётганини билдирмоқда. Аниқ мисолларга келадиган бўлсак, Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани Олимлар маҳалласида яшовчи, 1986 йилда туғилган шахс ўзига тегишли бўлмаган, аммо шартнома асосида фойдаланиб юрган «Нексия» русумли автоуловни шу туманда истиқомат қилувчи бошқа бир фуқарога сотиб юборган.

Кўп ўтмай автомашинани ҳақиқий эгаси қайтариб олди. Кечагина «Нексия»си борлигидан ғурурланиб юрган жабрланувчи бугун пулини қайтариш ташвишида оромини йўқотган.

Ҳудди шундай ташвиш вилоятнинг Шароф Рашидов тумани Янгиобод маҳалласида яшовчи, 1991 йилда туғилган фуқарони ҳам безовта қилмоқда. У ҳам биз тилга олаётган «Қулмиддин»га «Нексия» машинасини сотиб, 40 миллион 800 минг сўмини қандай олишни билмай боши қотган.

Яна бир мисол. Ички ишлар органлари ходимлари томонидан Арнасой тумани «Тинчлик» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи бир неча фуқаролардан 68 бош майда шохли чорва моли олиб, пулини тўламасдан қочиб юрган фуқаро ушланди. Фирибгар одатий усулдан фойдаланган. У дастлаб бир нечта қўйни олиб кетиб, пулини ўз вақтида келтириб берган.

Яхшигина ҳақ тўлаб, ишончга кирган...

Фирибгарлар одатда қулай шартлар ва катта даромад ваъда қилади. Оқибатда содда ва ишонувчан одамлар Қулмиддиннинг укалари тузоғига тушишади.

МУҲРИ БОРЛАР ҲАМ АЛДАЯПТИ

Илм-фан тараққиёти фирибгарликнинг янги кўринишларини юзага келтираётир. Жумладан, охирги пайтларда тўлов пластик карталаридан пул ўмаришнинг уддасидан чиқаётганлар пайдо бўлди. Ҳаммасидан ачинарлиси, оғир касалликларга чалинган беморларга аталган саховат пуллари ҳам ўзлаштирилмоқда.

Худди шунингдек, уюшган ҳолда иш кўрадиган фирибгарлар ҳам кўп учраяпти. Улардан етадиган зарарнинг кўлами ҳам шунга яраша кенг. Шу ўринда «Human», «Straus house», «Avto 60 ой» билан боғлиқ воқеаларни эслаш кифоя. Одамларни бу ташкилотлар берган шартнома ва ундаги муҳр адаштирган.

Молия муассасалари билан боғлиқ фирибгарликлар ҳам кузатилаётир. Чунончи, Бахмал тумани Мўғол қишлоғида яшовчи фуқаро вилоят ИИБга мурожаат қилиб, унинг номига бошқа шахс томонидан 20 миллион сўм кредит олинганлигини маълум қилган.

Ўтказилган суриштирув давомида Бахмал тумани «Ўсмат» шаҳарча фуқаролар йиғинида яшовчи, туман тиббиёт бирлашмасида ишловчи фуқаро «Асакабанк»нинг вилоят филиалидан қалбаки ҳужжатлар билан 16 кишининг номига 360 миллион сўм кредит олгани аниқланди. Фирибгар ҳатто Россияга ишлаш учун кетган фуқаронинг номидан кредит олишга ҳам муваффақ бўлган.

Шу йилнинг 2 июль куни Жиззах шаҳрининг Заргарлик маҳалласи ҳудудида 27 миллион сўм пулни фирибгарлик йўли билан олаётган шахс ички ишлар органлари ходимлари томонидан ушланди. Жиззах шаҳрининг Алишер Навоий номидаги маҳаллада яшовчи бу кимса «Қишлоққурилишбанк»нинг Жиззах минтақавий филиалидан катта миқдорда кредит чиқариб беришни ваъда қилиб, 30 миллион сўмни пора сифатида олмоқчи бўлган. Аслида, унинг банкка алоқаси бўлмаган, аммо банкдагиларнинг кўпчилигини яхши таниган.

ЎЗИНГГА ЭҲТИЁТ БЎЛ...

– Фирибгарлар муайян йўналишда, хусусан, иқтисодиёт, ҳуқуқ, ахборот технологиялари соҳаларида қайсидир даражада билимга эга бўлади, – дейди вилоят ИИБ ЖҚБ коррупция ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш бўлими катта тезкор вакили, катта лейтенант Тўйчи Асадов. – Шунингдек, улар инсон психологияси ҳамда давлат идоралари ва ҳуқуқ-тартибот органлари қандай ишлашини яхши билишади. Ушбу билим ва маълумотлардан бошқаларга фириб беришда фойдаланишади. Фирибгарларнинг тузоғига тушмаслик учун ҳар қандай иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатини кўриб чиқиш, олди-берди қилаётган инсон ёки ташкилот тўғрисида атрофлича суриштириш лозим. Маълумот ўрнида айтиш керак, Жиззах вилоятида жорий йилнинг ўтган даврида 90 та фирибгарлик жинояти қайд этилди. Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда тарғибот тадбирларини мунтазам уюштириб келяпмиз.

Таъкидлаш жоизки, фирибгарлик жиноят жабрдийдаларининг ўзларида ҳам айб бор. Кимдир катта фойда ҳақида гап очилганда ҳушёрликни унутади. Яна кимдир бирор масалани ҳал қилиш учун ноқонуний йўлни танлайди. Кимдир тўлов пластик картасига оид маълумотларни сир сақлай олмайди. Демоқчи бўлганимиз, ҳалол йўл билан топган пулингизни олчоқларга ўз қўлингиз билан тутқазманг. Акс ҳолда, ташвишу ғавғолар гирдобида қолиб кетишингиз ҳеч гап эмас.

Алижон АБДУСАТТОРОВ,
«Postda» мухбири.
Жиззах вилояти.

ҚИЛМИШ – ҚИДИРМИШ

Жиззах вилояти ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир давомида Жиззах шаҳри Халқобод маҳалласида яшовчи Х.Б. одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни содир этганлиги аниқланди. Маълум бўлишича, Х.Б. Бирлашган Араб Амирликлари, Малайзия ва Таиланд давлатларига мунтазам қатнаб, тунги клуб ва фоҳишахоналарга мамлакатимизда яшовчи аёлларни жўнатиш билан шуғулланиб келган.

САККИЗ МИНГ ДОЛЛАРГА НАРХЛАНГАН ОЗОДЛИК

У «Instagramm» тармоғида профил очиб, Фарғона, Самарқанд, Сурхондарё, Бухоро ва Жиззах вилоятида истиқомат қилувчи аёлларни Тошкент шаҳрида яшовчи жиноий шериги орқали чет элга жўнатган. Аёллар хорижга боргач, Х.Б. уларнинг ҳар биридан 8 минг АҚШ доллари талаб қилган, бунга рози бўлмаганларни маҳаллий жиноятчиларга топшириб юбориш билан таҳдид қилган.

Жабрланувчилар чет тилини билмаганликлари, хорижий давлат қонунларидан бехабарликлари ҳамда қайтиш учун пуллари йўқлиги сабаб Х.Б.нинг шартларига кўнишган.

Айни вақтда айбланувчининг 20 нафар хотин-қиздан шаҳвоний мақсадларда фойдаланганлиги аниқланди. Хусусан, Таиландга сотилган 12 нафар фуқаронинг шахси аниқланиб, 9 нафар жабрланувчидан аризалар олинган.

Ҳолат юзасидан тегишли тартибда жиноят иши қўзғатилди.

Ўз мухбиримиз.

САЛОМАТЛИК САБОҚЛАРИ

COVID-19 ВА МАВСУМИЙ ГРИПП



ВИРУС ҚАЧОН ХАВФСИЗ БЎЛАДИ?

Хитойлик олимлар ўтказган тадқиқотларга кўра, коронавирус инфекциясининг уй шароитида, жамоат транспортида, атрофдагилар билан яқин мулоқотда бўлишга тўғри келадиган жойларда, дўконлар ва умумий овқатланиш масканларида юқиш эҳтимоли кўпроқ, очиқ ҳавода эса нисбатан камроқ экан. Коронавирус ортиқча вазнга эга бўлган, қандли диабет билан оғриган, артериал гипертониядан, юрак ва ўпка касалликларидан азият чекувчи инсонлар орасида кўпроқ учрайди. Айниқса, ёндош хасталиклари бўлган беморларда бу касаллик оғир кечади.

Бу дард билан касалланиб даволангандан кейин ПЗР (полимер занжир реакцияси) таҳлили манфий чиққан одам ён-атрофдаги одамлар учун хавф туғдирмайди, бу унинг тамоман тузалганини билдиради.

Касалликнинг ўзига хос кечиши ва даволаниши шуни кўрсатадики, баъзи бир беморларнинг ПЗР натижалари узоқроқ муддатда, яъни 14 кундан кейин ҳам мусбат натижа бериши мумкин. Бунда яккалаш ва карантин тадбирларини амалга ошириш, даволанишдан кейинги жараён ҳануз давом этаётганини инобатга олган ҳолда, қўшимча равишда ИФА (иммунофермент таҳлили) ўтказиш ва организмнинг касалликка қарши курашиш кучи шаклланган-шаклланмаганини текшириш лозим. Қўшимча текширувлар ўтказилгандан сўнг бемор оила аъзолари ва атрофдагилар учун хавфсиз деб тан олинади.

БОЛАЛАРДА ЕНГИЛ КЕЧАДИ, АММО....

Маълумки, коронавирус инфекцияси катталарга нисбатан болаларда енгилроқ кечмоқда. Негаки, улар жуда ҳаракатчан, чекиш ва бошқа ёмон одатларга эга эмас, ўпкаси нисбатан соғлом. Бундан ташқари, ёш болаларда туғма иммунитет анчайин кучли. Шунингдек, улар боғча ва мактабда кўпгина янги респиратор инфекцияларга учраб, натижада организмида бир қатор касалликларга қарши антитаначалар ҳосил бўлади.

Болаларда мазкур касаллик кўпинча енгил шаклда, яъни оддий ЎРВИ сингари кечади. Бунда томоқ оғриғи, йўтал, бурун оқиши ва аксириш, агар касаллик оғирроқ кечаётган бўлса, тана ҳарорати 37,5–39 даражагача кўтарилиши, ҳолсизлик, бош оғриғи ҳолатлари кузатилади. Аммо шуни ҳам унутмаслик керакки, агар боланинг касаллиги ўтказиб юборилса, шифокорга ўз вақтида мурожаат қилинмаса ёки унда нафас олиш тизимининг сурункали касалликлари мавжуд бўлса, хасталик оғир кечиши мумкин.

ИККИТА ҲАР ХИЛ ИНФЕКЦИЯ

Куз мавсумида грипп касаллиги ривожланиб, иммунитет тушиб кетади. Лекин бу хасталик COVID-19 инфекцияси кучайишига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди. Чунки улар иккита ҳар хил инфекция ҳисобланади. Ўртача оғир ёки оғир шаклда кечувчи коронавируснинг 5–7 кунида тана ҳарорати 38–39 даражадан ошади, нафас қисиши, ҳаво етишмаслиги пайдо бўлади, шамоллаш ва гриппда эса аксинча, 3–4 кундан кейин бемор ҳолати яхшиланади. Грипп хасталиги ҳам оғир ва жиддий инфекция ҳисобланиб, вақтида даволанмаса, бир қатор салбий оқибатларга олиб келиши, асоратлар қолдириши мумкин. Шу сабабдан **бугунги кунда бирйўла иккита инфекцияни юқтириб олмаслик учун гриппга қарши эмланиш долзарблик касб этмоқда.** COVID-19 кучайишига асосан эпидемияга қарши тадбирларга амал қилмаслик сабаб бўлади. Шунинг учун ҳозирги пандемия даврида ниқоб тақиш, қўлларни тез-тез совун билан ювиб туриш, ижтимоий масофа сақлаш, ўзини яккалаш жуда муҳим.

Грипп ва унга ўхшаш бошқа вируслар қонни суюлтириб юборади. Коронавирусда эса аксинча. Асосан ёши катталар ва сурункали касалликлар билан оғриган инсонларда қон қуюлиши ҳолати учрайди. Шунинг учун уларда

коронавирус касаллиги оғир кечади. Қон қуюқлашиши билан тана ҳарорати бирдан кўтарилиб кетади, касалликнинг йўталиш, ҳансираш ҳолатлари янада кучая бошлайди. Ўпкага кўпроқ вазифа «юкланади» ва натижада ўпка янада зўриқиб ишлашга тушади ва бу юракка ҳам ўз таъсирини ўтказади.

ЎЗБОШИМЧАЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ

Кўпчилик COVID-19 дан сақланиш учун бурунни мунтазам равишда тузли эритма билан чайиб туриш усулини қўлламоқда. Бироқ ушбу муолажанинг янги коронавирус инфекциясидан ҳимояланишга ёрдам бериши бўйича илмий далиллар йўқ. Баъзи маълумотларга кўра, бурунни шўр сув билан мунтазам чайиб туриш одатий шамоллашда тузалиш жараёнини тезлаштириши мумкин. Лекин бу усул нафас олиш йўллари инфекциясининг олдини олишда самарали экани тасдиқланмаган.

Вирус организмга тушганидан сўнг шифокор назорати ва тавсияси билан касаллик ҳолатини инобатга олган ҳолда, тегишли дори воситалари буюрилади. Енгил шаклдаги коронавирус билан оғриганларга, асосан, цинк, витамин Д3, магний В6 қабул қилиш, кўп миқдорда илиқ суюқлик ичиш ва томоқни тез-тез чайиб туриш тавсия этилади. Коронавируснинг ўрта оғир ва оғир кечувчи шаклларида тана ҳарорати 38 даражадан ошиб кетади. Оқибатда организм сувсизланиши кучаяди. Қон қуюлмаслиги учун кунига 3–4 литрдан суюқлик ичиш керак. Кўпчилик мева-сабзавотлар, чой, қаҳва ва шунга ўхшаш дамламалар суюқликка киради, деб ўйлайди. Аслида ундай эмас. Коронавирусга қарши курашиш штаби аъзоси Барно Абдусаматованинг қайд этишича, С витаминига бой бўлган лимон, малина, наъматак дамламалари, шунингдек, минерал сувларни ичиш яхши самара беради. Қайнатилган доғ сув таркибида минерал ва микроэлементлар парчаланиб кетади ва у тирик сув ҳисобланмайди. Шунинг учун ҳам унинг истеъмоли ҳеч қандай фойда келтирмайди. Сув таркибида маълум бир миқдорда калий, натрий минераллари бўлиши керак. У ҳужайра ичигача етиб бориб, иш фаолияти маромида олиб борилишини таъминласа, қон қуюлишининг олди олинади.

Коронавирус инфекцияси пайдо бўлганидан кейин телевидения ёки ижтимоий тармоқларда тарқаётган турли рост-ёлғон, тасдиқланмаган маълумотлар, статистик кўрсаткичлар одамларнинг руҳий ҳолатига жиддий таъсир ўтказмоқда. Ваҳимага берилиш ва кучли руҳий ҳаяжон оқибатида беморларнинг аҳволи оғирлашиб, уларда нафас сиқиши, йўталнинг кучайиши, невроз ҳолатлари кўп учрамоқда. Бундай пайтда ваҳимага берилмаслик, гигиена қоидаларига қатъий риоя қилиш, шифокор ва мутахассисларнинг тавсияларига амал қилган ҳолда, касалликни енгиб ўтишга уриниш ўта муҳим.

Гулчеҳра АЗИМОВА тайёрлади.



РУХ МОДДАСИ ВА КОРОНАВИРУС ЎРТАСИДА БОҒЛИҚЛИК БОРМИ?

Инсон организмида рух моддаси танқис бўлса, аввало, сезиш қобилиятлари – кўриш, ҳидлаш, таъм билиш издан чиқади. Бу эса иштаҳа йўқолиши, овқат ҳазмининг бузилишига олиб келиши мумкин. Тушкун кайфият, чарчоқ, ҳаётга бўлган қизиқишнинг сўниши рух етишмаслигининг асосий белгилари ҳисобланади. Соч тўкилиши, тирноқларда оқ доғлар пайдо бўлиши, дерматит ва яраларнинг секин битиши, суякларнинг мўрт бўлиб, ревматизм ва артрит касалликлари келиб чиқиши ҳам рух етишмаслиги туфайлидир.

Иммунитетимиз ҳолати шу минералга боғлиқ бўлиб, шамоллаш ва гриппнинг дастлабки белгилари намоён бўлганда, витамин С билан бирга рух моддаси тавсия этилади. У қонда доимий кислотали-ишқорли муҳитни сақлайди, тўқима регенерацияси учун масъул, инсулин ҳосил бўлишини ва мушаклар қисқаришини бошқаради.

Бугунги кунда мутахассислар инсон организмида рух моддаси етишмаслиги коронавирус билан касалланиш хавфи юқори эканидан дарак берувчи белги, деб ҳисоблашмоқда. Европа клиник микробиология ва юқумли касалликлар жамияти конференциясида тақдим қилинган тадқиқот натижаларига кўра, қонда рух моддасининг кам бўлиши коронавирусга чалиниш хавфини орттиради.

Хўш, рух моддаси ва коронавирус ўртасида қандай боғлиқлик бор? Иммунитетнинг вирусларга қарши курашиш қобилияти рух моддасининг қондаги концентрациясига боғлиқдир. Тадқиқот муаллифлари COVID-19 ташхиси билан шифохонага келган 249 нафар беморни ўрганган. Беморлар ўртача 63 ёшда, уларнинг 55 фоизи эркак бўлган. Коронавирусдан вафот этган беморларнинг деярли барчасида тирик қолганларга нисбатан рух моддаси миқдори кам эканлиги аниқланган. Тадқиқотчилар рух моддаси миқдори ва коронавирусни енгиш имкониятини баҳолашга ҳам муваффақ бўлган. Маълум бўлишича, қондаги рух моддасининг ҳар қўшимча микрограмми коронавирусдан вафот этиш хавфини 7 фоизга камайтиради.

Организмни табиий йўл билан рух моддасига қандай тўйинтириш мумкин, деган савол кўпчиликни қизиқтириши табиий. **ИИВ Марказий поликлиникаси терапевти Саломат Юсупова қуйидаги тавсияларни беради:**

– Таркибида рух элементи кўп бўлган табиий мева-сабзавотлар, кўкатлар, зираворлар, дуккакли дон маҳсулотлари ҳамда улардан тайёрланган миллий таомларни истеъмол қилишга одатланиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, узум ва тут шинниси, ўрик ва аччиқ бодом данаги, қора майиз, туршак, ёнғоқ, кепакли нон, сумалак, картошка, помидор, нўхат, сут ва гўшт маҳсулотлари ҳамда тухум сариғининг таркибида рух моддаси кўп.

Адолат ФАЙЗИЕВА тайёрлади.

Детская страничка

Бешик-туй

Этот обряд сохранился в культуре узбеков с незапамятных времен и до сих пор соблюдается в Узбекистане. Для каждой семьи – это большой праздник, в подготовке к которому участвует вся родня, соседи.

Родственники молодой матери приносят богато убранный бешик – качалку, одежду и прочие необходимые для новорожденного вещи. Кроме того, полагается приносить завернутые в скатерть лепешки, сладости и игрушки.

По традиции, пожилые женщины проводят в детской комнате обряд первого пеленания и укладывания ребенка в бешик.

Найди картинку без пары.

Соедини линией рисунок и его тень. Назови всех животных.



ЭТО ИНТЕРЕСНО

ЧИГИРЬ – КОЛЕСО ЖИЗНИ

Знаете ли вы как орошали земли в старину? Гениальное устройство чигирь (чархпалак) – с историей, уходящей в глубокую древность, – позволяло поднимать воду к полям на возвышенностях.

В Центральной Азии существовали целые каскады таких сооружений. Еще в первом тысячелетии до нашей эры области, расположенные по долинам рек Сырдарьи, Зарафшана, Кашкадарьи, Амударьи, представляли собой земледельческие оазисы, социально-экономическая жизнь которых развивалась на основе искусственного орошения.

Чигирь – устройство достаточно простое, но элегантное. Он практически полностью изготавливался

из дерева. В движение чигирь приводило чаще всего тягловое животное. Его привязывали к большому горизонтальному колесу. Под колесом в специальной яме располагали малое, вертикально стоящее, колесо. Движение с колеса на колесо передавалось благодаря зубчатой передаче. Осью малого колеса был толстый деревянный вал ниже уровня земли. Вал вращал укрепленный спицами обод с сосудами. Сосуды (обычно керамические кувшины) черпали воду из канала и опорожнялись в лоток, питая арык, начинавшийся на метра два выше уровня воды в канале.

Более простая конструкция чигиря – просто обод с сосудами, установленный в реке, приводящийся в движение ее течением. При этом течение должно быть достаточно сильным.

В наши дни чигирь вытеснили современные насосные станции. Однако кое-где его еще можно встретить. Чаще всего такие сооружения устанавливаются на арыках, проходящих через территории парков, зон отдыха, где они играют роль экзотических украшений.

Чигирь работает днем и ночью. Колесо жизни продолжает вращаться...

ДЕЛЬНЫЕ СОВЕТЫ

КАК НОСИТЬ МАСКУ...

...С ОЧКАМИ, ЧТОБЫ ОНИ НЕ ПОТЕЛИ

Первым делом стоит сказать, что очки надо дезинфицировать, так как на них также могут попадать вирусы. Чтобы продезинфицировать очки, промойте их теплой водой с мылом и дайте им высохнуть на воздухе. Это нужно делать, по крайней мере, один раз в день или после того, как вы были на улице.

Такое мытье поможет предотвратить запотевание очков, когда вы носите маску. Мыло оставляет после себя тонкую пленку, которая препятствует скоплению конденсата на линзах.

Еще один ключ к предотвращению запотевания очков при ношении маски – убедиться, что она правильно сидит. Верхняя часть маски должна плотно прилегать к вашему носу и щекам, а с помощью гибкой металлической проволочной вставки (если она имеется) можно создать лучшее «уплотнение» между маской и носом.

НЕМНОГО АРОМАТА

Капайте на маски 1-2 капли вашего любимого эфирного масла, чтобы поднять себе настроение и сохранить бодрость в течение дня.

ЕСЛИ ПЕТЛИ ВЕЛИКИ

Заверните петли на маске один или несколько раз, чтобы подогнать их под свой размер.

ЛАЙФХАКИ С МЫЛОМ

Чистые ногти

В садово-огородный сезон чистые ногти – большая редкость. Вот вам лайфхак против загрязнения. Проведите ногтями по мылу так, чтобы оно под ним осталось, и смело идите работать в огород. Мыло будет служить барьером между грязью и пространством под ногтями. После работ вы его просто смываете.

От запаха в обуви

Для того, чтобы устранить неприятный запах в обуви, кладите внутрь на ночь кусок мыла. Оно будет поглощать все неугодные «ароматы».

От зуда

Чтобы успокоить зуд от укуса насекомого, потрите место

укуса слегка смоченным в воде мылом. Не смывайте.

Для шитья

Некоторые ткани довольно сложно шить. Перед тем, как заняться этим нелегким и кропотливым процессом, поместите иголку на время в мыло. После этого она легко пройдет в ткань.

Застрявшая молния

Если у вас на штанах или куртке застряла молния, проведите по ней кусочком мыла. Это обеспечит легкое скольжение.

Для сбора мелких осколков

Используйте кусочек влажного мыла для сбора мелких осколков. Просто надавите мылом в тех местах, где разбили стекло. После этого утилизируйте его.

ГОРОСКОП НА НЕДЕЛЮ

(с 12 по 18 октября)

Овен. Вас ждет размеренный период. Это время для отдыха и общения с близкими. Ни в коем случае не конфликтуйте, наоборот – миритесь! Неплохо будет сейчас уделить больше времени своему хобби. Не бойтесь тратить деньги: они вернутся к вам.

Телец. Что бы ни произошло в вашей жизни сейчас, сохраняйте невозмутимость. Будьте спокойны внешне, и останетесь победителем. Будут нерешенные вопросы на работе, закрыть которые рекомендуется до конца недели. В выходные вам не помешает отдохнуть.

Близнецы. Если хотите сделать хорошо, сделайте сами. Дома вам понадобится терпение, чтобы не разругаться с близкими в пух и прах. Материальные проблемы лучше не накапливать. Нужно взять в долг? Сделайте это с помощью кредита в банке.

Рак. Вы найдете время для всего, что хотели осуществить. Даже самые нереальные планы будут реализованы. 17 октября вас могут ожидать внезапные перемены в лучшую сторону. Уделяйте внимание мелочам во всем, вплоть до собственного внешнего вида. Будьте на высоте!

Лев. Используйте свои таланты по максимуму. Это время, когда вы смело можете заявить о себе. В отношениях с коллегами будьте сдержанны. Рядом с любимым человеком постарайтесь быть мягче, умерьте свою гордыню. Это спасет ваши отношения.

Дева. Сейчас вы можете попробовать разные сферы. Смена работы в данный период благоприятна. Если что-то не получается, руководствуйте девизом «все к лучшему!». В ближайшую неделю лучше не совершать перелеты. Пересядьте на наземный транспорт.

Весы. В данный период вас не раз могут поставить в неловкое положение. Отреагируйте с юмором, чтобы выглядеть достойно. Вероятны денежные бонусы в виде прибавления к зарплате или премии. Только не тратьте их сразу на импульсивные покупки. Посмотрите на перспективу.

Скорпион. Не торопите события и не торопитесь сами! Проверяйте все документы, которые будете заполнять. 18 число благоприятно для встреч. Слова, сказанные в этот день, можно принимать за чистую монету.

Стрелец. Не говорите того, в чем вы не уверены. Ваши слова могут быть использованы в дальнейшем против вас. Свои планы также пока держите в секрете. Можно провести выходные в непривычной для вас обстановке.

Козерог. На работе вам наконец-то представится шанс проявить себя. Будьте во всем впереди. И держитесь увереннее! А вот дома наоборот: чтобы избежать конфликтов и ссор, сейчас стоит проявить мягкость и пойти на уступки. Вам зачтется.

Водолей. Судьбоносная встреча может произойти именно в данный период. Не ставьте крест ни на ком. Настроение у вас будет на высоте, это стоит использовать для решения трудных вопросов. Будьте аккуратнее на дороге: лучше перестраховаться.

Рыбы. Эта неделя окажется не самой легкой, но в дальнейшем вы будете вспоминать об этом как о бесценном опыте. Приятные события начнут происходить с 17 октября. Сами инициируйте беседы с близкими.

КУЗ МАНЗАРАЛАРИ

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири.

Кузак шамоллари эсдилар яна,
Сокин юрагимда туйғулар қўзғаб.
Келгил, паривашим, келгил жимгина,
Келгил самолардан мезонга ўхшаб.

Оқшом тўлқинида кезайлик хушҳол,
Тўнган юлдузларга боқайлик тўйиб,
Шивалаган ёмғир, дайдиган шамол,
Майли, изимизни кетсинлар ювиб.

Боғларда хазонлар шовуллар қуюқ,
Улар соялардир, жонгинам, фақат,
Улар билмайдилар, билолмаслар, йўқ,
Нақадар буюкдир бизнинг муҳаббат.

Поёнсиз оламга боқайлик сўзсиз,
Ҳа ҳасрат, ҳа сўзнинг бордир кераги.
Бизнинг теграмизда ёнаётган куз
Қайси бир ошиқнинг сўнган юраги...

«Ўзлигимиз тимсоли – Она тилим» иншолар танловига

«СЎЗИНГНИ АВАЙЛА, УЗАЯР ЁШИНГ»

Дунёда миллатлар кўп, халқлар кўп. Ҳар бир миллатнинг ўз она тили мавжуд. Ҳар бир миллат ўз тилини яхши кўради, ардоқлайди. Ўзбек тили ҳам жуда бой тил бўлиб, миллатимизнинг бойлиги ва ғурури ҳисобланади. Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиш остонасидаги дастлабки дадил қадами бўлди...

Тўғрисини айтганда, бу осон иш эмас эди. Собиқ иттифоқ ҳукмронлик қилаётган пайтда ўзбек тили Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили деб эълон қилинди. Бу эса узоқ йиллар давомида бўғилиб, қадрсизланиб келаётган миллий тилимизни тиклаш, асраш, юксалтириш учун ҳуқуқий замин яратди. Бу, айни пайтда, тил эрки, озодлиги ва тараққиётининг миллат тақдирига, миллий ҳурриятга ниҳоятда чамбарчас боғлиқ эканлиги, миллат ва тил тақдири ўзаро мустаҳкам ришта билан пайванд этилганлигини намойиш этувчи тарихий ҳақиқатдир.

Дунёда қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлик ва мустақил давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий тараққиётида ғоят муҳим ўрин эгаллаб келаётган буюк қадриятдир.

Биз аждодларимиз меросини, узоқ ва яқин ўтмиш лавҳаларини, давлатчилигимизнинг тарихий асосларини, миллий қадрият ва анъаналаримизни ана шу миллий тил воситасидагина янада чуқурроқ англаймиз, ўзлаштирамиз, мустаҳкамлаймиз, келажак авлодга етказишни таъминлаб берамиз. Шу боисдан ҳам ўзбек тили халқимизнинг «миллий ўзлик ва мустақил давлатчилик тимсоли, буюк қадрият» сифатида юксак мақомга эгадир.



Инсон дунёга келар экан, унга меҳр, аввало, она алласи орқали кириб боради. Шундай экан, инсон болалигидан ширин сўзларни эшитиб катта бўлса, улғайганида ҳам атрофдагиларга нисбатан гўзал муомалада бўлади. Агарда акси бўлса, бундай инсон ҳаммага нафрат билан қарайди. Ширин сўз орқали ҳар бир мушкул ишнинг чорасини, ҳар бир дарднинг давосини топиш мумкин.

Бу борада буюк мутафаккир Юсуф Ҳос Ҳожибдан ошириб бир нарса дейиш қийин:

Тил арслон мисол ётар қафасда,
Бехабар бошини у ер нафасда.

Тилингни авайла, омондир бошинг,
Сўзингни авайла, узаяр ёшинг.

Бутун дунё тиллари ичра ўзбек тилининг сержило қирралари ўзига хос маъно ифода этиши, адабий тил қонуниятлари билан алоҳида виқор ва жозиба касб қилиб, жаҳон афкор оммасини, барча илму дониш аҳлини ва маърифат пешволарини мафтун этиб келади. Бу барчамизга чексиз ифтихор бағишлайди. Қалбимизни фахр ва ғурур ҳислари жунбушга келтиради...

Шундай бўлса-да, биз бугун айрим аҳоли ва ёшлар ўртасида ўз миллий давлат тилимизга беписандлик муносабатларини ҳам кўплаб учратамиз. Бундай ҳолатларнинг барчаси миллий тил барқарорлигига ва юксалишига салбий таъсир кўрсатади.

Биз давлат тилининг асосий тарғиботчиси ва ҳимоячиси бўлган ҳар бир юртдошимиз, миллатдошимизни ўзбек тили тараққиёти йўлида бирлашишга, ҳамкор, ҳамфикр бўлишига чорлаб қоламиз. Зеро, куч – бирликда, юксалиш – бирлашишда, тараққиёт – якдилликда, равнақ – ҳамкорликдадир.

Чарос ТЎРАЕВА,
ИИВ Қорақалпоқ академик лицейи ўқувчиси.

Postda
На посту

MUASSIS:
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir –
polkovnik
Bernora SADIKOVA

Bosh muharrir o‘rinbosari –
mayor Azizjon FAYZIYEV

Mas’ul kotiblar –
Erkin SATTOROV
Jahongir SHAROFBOYEV

Navbatchilar –
katta leytenant
Mixli SAFAROV
Georgiy PETROSYAN

Sahifalovchilar –
Ilhom JUMANOV
Akbar BOLTAYEV

TELEFONLAR:
71-231-33-88;
Faks: 71-231-40-05.

Obuna masalalari bo‘yicha:
71-231-38-74;
95-177-32-31

Web-site: www.postda.uz
E-mail: info@postda.uz

ISSN 2010-5355

Tahririyat hisob raqami 20210000900447980001. Bank kodi 00420. ATIB «Ipotekabank»ning Mirobod filiali. STIR 200637499.

Tahririyatga kelgan qo‘lyozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi.
Nashrimizdan ko‘chirib bosilganda manba ko‘rsatilishi shart.
Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

«O‘zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Alisher Navoiy ko‘chasi 30-uy.

Gazeta O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Adminstratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020-yil 13-yanvarda 0120-raqam bilan ro‘yxatga olingan.
Buyurtma №V-4353.
Bosilish – ofset usulida.
Bichimi – A3. Hajmi – 6 bosma taboq. 53 827 nusxada chop etildi.
Obuna raqamlari:
Yakka tartibda – 180.
Tashkilotlar uchun – 366.
Bosishga topshirish vaqti – 22.00.
Bosishga topshirildi – 21.00.
Sotuvda kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ:
100070, Toshkent shahri, Shota Rustaveli 1-berk ko‘chasi 9-uy.